

НОҚОНУНИЙ САХОВАТПЕШАЛИК

...текширишда тумандаги «Зарафшон» маҳалла фуқаролар йиғини мансабдор шахслари томонидан овлаларнинг моддий аҳволи ўрганилмасдан 32 нафар фуқарога жами 1 миллион 840 минг 600 сўм нафақа тайинланган. Давлат ҳисобидан ноқонуний саховатпешалик қилган маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари кимнинг ишончини оқлашяпти? Ҳақиқатни сохтакорлик билан яширишга уриниш чўғни қозоғга ўраб яширгандек гап, ахир!

2 бет

ТАВБАСИГА ТАЯНМАГАН ҚОТИЛ



...«Нексия»нинг орқа юкхонасини очганларида қон доғларини кўриб, Рустам «тагин нима балони бошлаб келдиларинг» деб сўради. — Баҳодир деган биттасини ўлдириб қўйдик. Машина ушаники. Ҳеч кимга айтманг, — бу гап Абдувоҳид очинига кўчди.

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Ишонч

1997-yil 27-avgustdan chiqra boshlagan

2009-yil 15-yanvar, № 03 (628)



ЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASINING
NASHRI

БОШ ПРОКУРАТУРАДА

ТАДБИР



Машғулотлар давом этаяпти

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курсларида 2009 йил 12 январдан бошлаб вилоятлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратураларнинг бўлим бошлиқлари, прокурорлари, туман (шаҳар) прокурорлари ҳамда ёрдамчилари иштирокида «Солиққа оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш масалалари» мавзусида ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.

Кун кеча эса Олий ўқув курсларида «Ватан ҳимоячилари кун» муносабати билан давра сўхбати ўтказилди. Тадбирга Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ходими, полковник Б. Ғафуров, заҳирадаги полковник М. Солиевлар тақлиф этилди. Сўзга чиққанлар Миллий армиянинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлашдаги ўрнига тўхталиб, Ватанни ҳимоя қилиш, уни кўз қорачиғидай асраш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Фуркат ШОДМОНОВ,
Олий ўқув курслари кафедраси
мудир

Ишонч ва эътироф намунаси

Ҳар йили мамлакатимизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кун сифатида кенг нишонланади. Кеча шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирни Республика Бош прокурори Рашидхон Қодиров кириш сўзи билан очиб, барча прокуратура ходимларини байрам билан табриклади. Бош прокурор ҳамкасбларини қутлар экан, халқ манфаатини ҳимоя қилиш ва қонунийликни таъминлашдек масъулятни вазифани адо этишда муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаатида:

«...Қуролли Кучларимиз сафини тўлдириш тартиби изчил ва босқичма-босқич тақомиллаштирилди. Муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилди, сафарбарлик-қақирув резерв хизмати жорий этилди, шартнома асосида хизмат қилишга ўтиш девяри яқунланди, жорий йилдан бошлаб муддатли ҳарбий хизматга қақирув бир йилда бир марта амалга ошириладиган бўлди. Бундай чора-тадбирларнинг барчаси Қуролли Кучларимизнинг жанговар куч ва имкониятларини сезиларли даражада ошириб, бутун армиямизнинг кифасини тубдан ўзгартирди», деди. Ана шу ютуқларда прокуратура ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан фахрланамиз.

Шундан сўнг Бош прокурор мукофотланганларни табриклаб, уларга Ватан медалларини топширди.

Президентимизнинг «Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавақулда вазиятлар вазириликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонида асосан Шимолий-ғарбий ҳарбий округ ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси Садулла Тўраев «Жасорат» медал билан, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратурасининг бўлим бошлиғи Меҳроҳ Раупов «Содиқ хизматлари учун» медал билан тақдирландилар. Шунингдек тадбирда соҳада фидойилик кўрсатган

бир гуруҳ прокуратура ходимлари Бош прокурор буйруғига биноан фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шундан сўнг тақдирланганлар сўзга чиқиб, юксак ишонч учун миннатдорчилик билдириб, дил сўзларини изҳор қилди.

— Камтарин меҳнатим юксак мукофот билан тақдирлангани учун Ўртбошимиз Ислоҳ Каримовга ва Бош прокуратура раҳбариятига миннатдорчилик билдириман, — деди Садулла Тўраев. — Юксак ишонч ва эътирофни оқлаш учун бутун куч ва тажрибамни сарфлайман.

Ҳалим БОЛТАЕВ,
Бош прокуратура бошқармаси
прокурори

Ўтган йилнинг 28 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарори эълон қилинган эди. Мазкур Қарор ижроси талабдаражасида ижро этилди. Энди шу жараёнда бажарилган ишлар, амалга оширилган чора-тадбирларни сарҳисоб қилиб, бу хусусда сўхбатлашиш мавриди келди.

Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Инсон боласи адашади, хатоларга йўл қўяди.

тирилди. ОАВ имкониятларидан кенг фойдаланилди. Бу амнистиянинг муҳим жиҳати шуки, уни қўллаш фақат жиноят ишлари бўйича судлар ваколатига берилди. Бу ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларида муҳим қадам бўлди. Шу йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, Самарқанд вилоятининг шаҳар ва туман жиноят ишлари бўйича судларида 1163 нафар шахсларга нисбатан амнистия акти қўлланилди. Биринчи навбатда авф этилган аёллар, воёга етмаганлар ва ёши олтмишдан ошган

ларига ўтказилди.

Бирок, инсонпарварликни ҳам суистеъмол қилмаслик керак. Жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузган 1 нафар маҳкумга нисбатан амнистия акти қўлланилмади. Бу жазони ижро этиш масканларидаги бошқа маҳкумларга сабоқ бўлди. Энди улар ҳукуматимиз ҳаммани кечиравермаслиги, ҳақиқий тарбияланиш йўлидагилар, қилмишидан пшаймон, интизомли, ўзининг келажаги учун қайғурадиганлар бу меҳрдан баҳраманд бўлишини тушуниб

ТАҲЛИЛ

ҳамма замонларда айтилганидек, жиноятнинг жазоси қўлмаслиги жамиятда соғлом турмуш тарзининг гаровидир. Ҳар қандай жиноят жамиятга, инсонларга нисбатан тажовуз, уларнинг ҳуқуқини поймол қилишдир. Шу билан бирга, жиноятчи ҳам инсон, биз яшаб турган жамият аъзоси, ватандошимиздир.

Шунинг учун жиноятга қарши курашиш сўхбатидаги туб ўзгаришлар мамлакатимиз-

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

бирок жазодан мақсад жиноятчидан ўч олиш эмас!

Кимдир билиб-билмай, бошқаси эҳтиётсизлик туфайли жамият тартиб-қоидаларидан четга чиқди, қонунни бузди. Ҳар бир ноҳўж хатти-ҳаракат учун эса жазо белги-ланган. Жиноятга жазо муқаррар, бирок жазодан мақсад жиноятчидан ўч олиш эмас, уни тўғри йўлга бошқариш, эс-ҳушини йиғиштириб олиши учун имконият беришдир. Шунинг учун қонунларимизда эҳтиётсизлик туфайли жиноят содир этганлар ва қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганларга катта енгилликлар белги-ланган.

Бу сафар Қарор эълон қилинган, белги-ланган баҳраманд бўлишди. Жазонинг ўталамай қолган қисми икки йилдан кўп бўлмаган маҳкумлар ҳам уйларига қайтишди, уч йилдан кам қолганлари эса манзил колония-

кексалар кўзда ёш билан, шукроналар айтган ҳолда оила бағрига қайтишди. Эҳтиётсизлик оқибатида, шунингдек, биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этган 379 нафар шахслар жазодан озод қилинди. Бу улар учун катта сабоқ бўлди дейиш мумкин. Энди улар қонунларимизга қатъий риоя қилади, соғлом турмуш тарзи яратди. Оғир касалликка чалинган, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ҳам амнистия шарофатидан баҳраманд бўлишди. Жазонинг ўталамай қолган қисми икки йилдан кўп бўлмаган маҳкумлар ҳам уйларига қайтишди, уч йилдан кам қолганлари эса манзил колония-

оладилар ва шунга ҳаракат қилдилар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик жараёнлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги салмоқли ишлар, дунё ҳамжамияти билан ҳамқадамлик суд-ҳуқуқ ислохотларида ўз аксини топмоқда. Биз қураётган эркин фуқаролик жамиятида давлат ва фуқаролар ўртасида ҳақиқий бирдамлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч мустаҳкам бўлмоғи лозим. Жазоларнинг босқичма-босқич либераллаштирилиши, ҳар йилги амнистия актлари бу йўлдаги муҳим қадамлардандир.

Дарҳақиқат, қонун устуворлиги, ҳар қандай жиноят учун жазонинг муқаррарлиги ва

даги кримноген вазиятга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Эзгулик ва инсонпарварликни янада мустаҳкамлашга қаратилган ушбу Қарор жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, жиноятга мойил шахсларни тўғри йўлга солиш ва жиноятчиликка қарши курашда асосий омил бўладиган зарур ҳужжатдир.

Бу галги Амнистия кенг қамровли бўлиб, ҳақиқий бағрикенглик, кечиримлик намунаси бўлди, қанчалдан-қанча хонадонларга чексиз шодлик олиб келди.

Ориф АХМАДЖОНОВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг
ўринбосари

Мустақиллик йилларида аҳолининг турли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида нафақат давлат дастурлари қабул қилинди, балки муҳим ҳуқуқий база яратилди. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ва ижросида бошқарувино азалии, анъанавий ва самаралии вазосати — маҳаллаларга таъйин иш олиб бориши одат тусига кирди. Зеро, оилаларнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий аҳоли, аввало маҳаллада кўзга ташланади.

2008 йилнинг иккинчи ярмига бел-

рад этилган. 7743 та оилаларга 1 миллиард 205 миллион 300 минг сўмлик моддий ёрдам тайинланиб, «Халқ банки»нинг бўлимлари томонидан ўз вақтида тўлиқ тўлаб борилган.

Шунингдек, 2008 йилни 8 ойида 16461 нафар ишламайдиган оналарнинг 15699 нафарига нафақа тайинланиб, ушбу мақсадлар учун 7 миллиард 647 миллион 800 минг сўм молиялаштирилиб, ўз вақтида тўлаб борилган. 8928 нафар ишлаётган оналарнинг 8084 нафарига 1 миллиард 515 миллион 200 минг сўм миқдорда нафақа тайинланиб, ўз вақтида молиялаштирилиб, тўлиқ тўлаб борилган.

Бундан ташқари, 2008 йилнинг 8

рининг айбдорлардан ихтиёрий ундирилиши таъминланиб, маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Комилов, йиғин котиблари О.Худойбердиев ва Б.Эргашевларга нисбатан жиноят иши айблов хулосаси билан жиноят ишлари бўйича туман судига юборилган. Туман судининг ҳукмига кўра айбдорлар тегишли жазосини олишган.

Афсуски, бундай камчилик ва қонунбузилишлар Ғиждувон, Олот, Қоронбулзор, Вобкент, Қорақўл ва бошқа туман прокурорлари томонидан ўтказилган текширишларда ҳам аниқланиб, тегишли прокурорлик назорати ҳужжатлари қўлланилган.

Вилоят прокуратураси органлари

НУР ОРТИДАГИ СОЯЛАР

Мамлакатимизда мустақиллик шабадасининг эсаётганига саккам 20 йил тўлаяпти. Юртобимиз ва ҳукуматимиз томонидан чиқарилган қатор фармон ва қарорлар ўзларининг ҳаётийлиги билан ўрнини топаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу ўринда биз жамиятимизда мулкдорлар, тадбиркорлар ва ишбилармонлар сафининг тобора кенгаётганини назарда тутмоқдамиз. Шаҳар ва қишлоқларимизда катта-кичик корхоналар, тадбиркорлик субъектлари фаолият олиб бораёпти. Уларнинг куч-ғайрати билан гарчи аста-секинлик билан бўлса-да мамлакатимиз таракқий топяпти, халқимиз турмуши фойдаланаётган.

Аммо мазкур фармон ва қарорлардан ўз нафси йўлида фойдаланаётган шахсларнинг учраб туриши ҳафсалангизни пир қилади. Ноқонуний равишда турли хил озиқ-овқат, спиртли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, давлатнинг катта миқдордаги электр энергияси, табиий газдан ўрнинча фойдаланаётган фуқароларни ана шундай шахслар тўғрисида киритиш мумкин. Яна шундай одамлар борки, улар валюта билан ноқонуний савдо қилиб, турли ҳуқуқбузарликларни содир қилишмоқда.

Яқунланган йилнинг 10 ойида бу борада бўлимимиз бир қатор ишларни бажарди. Келинг шун ўринда бир иккита мисол келтирлик. 10 ой давомида туманимиз ҳудудда 5 та аширин цех фаолият кўрсатаётгани аниқланиб, мазкур ҳолатлар бўйича 1 та жиноят ва 4 та маъмурий иш кўзга татилди. 350 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот далилий ашё сифатида олинди.

Тозаул Хўжалиева шахримиздаги Олакўз кўчаси 46 уйда яшайди. У этил спиртидан қўлбола ароқ ишлаб чиқариб, олди-сотдини йўлга қўйган. Фуқаро Сагира Абдурахмонова эса макарон цехини ишлапти, ноқонуний маҳсулот чиқариб келган.

Албатта, бўлимимизда бундай мисолларни қўллаб топши мумкин. Юқоридagi фактлар бўйича фуқаролар тегишли жавобгарликка тортилди.

Одатда валюта савдоси билан ноқонуний шуғулланувчилар ўзларига қўлай жой, яъни «қора бозор»ни танлайдилар. Гулистон маҳалласидаги «Азиз берман» чойхонасини Мақсад Эшмуродов ва Адилбек Эшмуродовлар ана шундай жой деб танладилар. Улар 1350 АҚШ долларининг ҳар бирини 1370 сўмдан сотаётганида ушланди. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши кўзга татилди далилий ашё сифатида олинган 1350 АҚШ доллари давлат хисобига ўтказилди.

Мамлакатимиз ҳаётида ижобий бўрилишлар рўй бераётган бир пайтда юқоридagi фактларнинг учраётгани ачinarли, албатта. Бундай мисоллар сонини камайитиш учун бўлимимиз янада фалол ва таъсирчан фаолият кўрсатаверади. Ахир жиноят жазоси қўлмайди.

Жанабой ШАНИЯЗОВ,
Бош прокуратура ҳузурдаги СВОЖДЛКК департаменти
Кўнғирот туман бўлими бошлиғи

Ноқонуний саховатпешалик

гиланган иш режасига асосан Бухоро вилоят прокуратураси органлари томонидан тегишли соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда маҳаллий ҳокимликлар ва ўзини-ўзи бошқариш органларида ўтказилган текширишларда Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида» ва «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ижроси ҳамда оналарга бола икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича нафақа тўланиши аҳолига алоҳида эътибор қаратилди.

Вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси, молия бошқармаси ҳамда «Халқ банки» вилоят бошқармасининг маълумотига кўра, 2008 йилнинг 8 ойида 8250 та оила ўзини-ўзи бошқариш органларига моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган. Ўзини-ўзи бошқариш органларидаги комиссиялар томонидан уларнинг 507 тасининг аризаси

ойида 55192 та кўп болали оилаларнинг 53057 тасига 8 миллиард 61 миллион 800 минг сўм миқдорда нафақа тайинланиб, ушбу маблағларнинг ўз вақтида тўлиқ молиялаштирилиши ва тўланиши таъминланган.

Бирок, текширишлар давомида қонунбузилишларга йўл қўйилган ҳолатлар ҳам аниқланди. Жумладан, Ромитан туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда тумандаги «Зарафшон» маҳалла фуқаролар йиғини мансабдор шахслари томонидан оилаларнинг моддий аҳоли ўрганилмасдан ҳамда тегишли далолатномалар расмийлаштирилмасдан 32 нафар фуқарога жами 1 миллион 840 минг 600 сўм нафақа тайинланган. Давлат ҳисобидан ноқонуний саховатпешалик қилган маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари кимнинг ишончини оқлашапти? Ҳақиқатни сохтакорлик билан яширишга ўринлиш чўни қорозга ўраб яширгандек гап, ахир!

Мазкур жиноят иши тергов ва суд натижасига кўра, 1 миллион 840 минг 600 сўмлик бюджет маблағла-

томонидан 2008 йилнинг 9 ойи давомида аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қонунлар ва Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган ижроси юзасидан 28 та текшириш ўтказилиб, натижасига кўра, аниқланган қонунбузилиш ҳолларини бартараф этиш тўғрисида 78 тақдимнома, 192 та протест киритилди. 47 нафар шахсларга қонунбузилиш ҳолатига йўл қўймасликлари хусусида оғохлантириш қўлини қилинди. Прокурор тақдимномаси ва қарорларига асосан 230 нафар шахс интизомий, 14 нафари маъмурий, 96 нафари моддий жавобгарликка тортилиб, 5 миллион 851 минг 100 сўмлик моддий зарарларнинг айбдорлардан ихтиёрий ундирилиши таъминланди, 1 миллион 373 минг 900 сўмликни ундириш тўғрисида фуқаролик судларига 5 та даъво аризалари киритилди. Жиддий қонунбузилиш ҳоллари юзасидан 8 та жиноят иши кўзга татилди.

Самандар САФАРОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Долзарб масалаларга бағишланди

Анджон вилоятида хотин-қизлар жиноятчилиги, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига доир кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар бошқармаси раҳбарияти, туман, шаҳар прокурорлари, мутасадди идора ва жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишда вилоятда ижтимоий соҳада ўтган йилда амалга оширилган ишлар таҳлил этилди. Эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда ҳали ҳал этилиши лозим бўлган нуқсонлар мавжудлиги таъкидлаб ўтилди.

Хусусан, ўтган йилда аёллар томонидан содир этилган одам ўлдириш, талончилик ва гиёҳвандлик каби жиноятлар, аёлларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари камайган бўлса-да, 2007 йилга нисбатан олганда аёллар томонидан содир этилган умумий жиноятлар сони бир мунча кўпайган. Бу каби ҳолатлар Анджон шаҳри, Балиқчи, Булоқбоши, Жалақудўқ, Избоскан ва Хўжаобод туманларига ҳосидир.

Йиғилишда шунингдек, одам савдоси жинояти ҳозирда кенг тус олаётгани, ушбу жиноят қурбони асосан аёллар ва болалар эканлиги, мазкур жиноятни содир этаётган шахслар эса ўз манфаати йўлида ҳар қандай қобилиятдан қайтмаётганлиги қайд этиб ўтилди. Тадбирда профилактик фаолият жараёнида йўл қўйилаётган камчиликларга алоҳида эътибор қаратилиб, жойларда бу иллатга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳокимликлар, бандлик хизматлари, жамоат бирлашмалари, ўз-ўзини бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш зарурилги айтиб ўтилди. Бу борада мутасадди идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришнинг қўшимча чораларини қириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Ақбарова қатнашди.

Дилмурод КОБУЛОВ,
Анджон вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Бахтиёр Абдуазимович, «Нидоқ» газетаси Сизни 2008 йилда энг фаол прокурорларидан бири деб эътироф этди.

—Авалло, мен Республика Бош прокуратурасига ва «Нидоқ» газетаси тахририяти жамоасига эътироф учун ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни ихпор этаман.

Туман прокуратураси жамоаси ўзига юклатилган вазифаларга катта масъулият билан ёндашиб, касб маҳоратларини ишга солган ҳолда тумандаги бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда бир эзгу мақсад — халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимизда, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этиб келмоқда десам янгилишмаган бўламан.

Жиззах вилоят Мирзачўл туман прокурори,
адлия маслаҳатчиси Бахтиёр АРАЛОВ билан сўхбат

МАСЪУЛИЯТ ВА БУРЧ

—Бахтиёр Абдуазимович, туман прокуратураси томонидан 2008 йилда амалга оширилган ишларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.

—Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, текшириш қонунчилик аҳолига доир маълумотлар таҳлили асосида ва лозим даражада тайёргарлик қўрилган ҳолда ташкил этилиши ўзининг самарасини бермоқда. Ўтган йилда туман прокуратураси томонидан воёга етмаганларга оид қонунлар ижроси юзасидан 31 та текшириш ўтказилиб, аниқланган қонунбузилишларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан 63 та тақдимнома, 17 та протест киритилди, қонунбузилишга йўл қўймаслик тўғрисида 3 нафар шахс ёзма равишда оғохлантирилди.

Прокуратуранинг ташаббуси билан воёга етмаганлар ўртасида уларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, соғломлаштириш, жиноят йўлига кириб қолишдан сақлаш, буш вақтларини фойдали машғулотга жалб қилиш мақсадида «Сиз қонуни биласизми?», «Ёшлар — буюк келажакимиз», «Ёшлар одам савдосига қарши»

мавузуларида кўрик-танловлар ўтказилди. Ушбу танлов ғолиблари туман прокуратураси муассислигида чоп этилаётган «Масъулият» газетаси тахририяти томонидан рағбатлантириб борилмоқда. Бу борада амалга оширилган ишлар юзасидан фото ашёбмолар ташкил этилди.

2008 йил давомида воёга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилмагани шу каби чора-тадбирларнинг муайян амалий натижаси десак хато бўлмайди.

— Ҳуқуқий онги ва маданияти юксак бўлган фуқаро ҳеч қачон жиноят содир этмайди. Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини



юксалтириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

—Туман прокуратураси томонидан воёга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга катта аҳамият берилаяпти. Жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ногирон, етим, профилактик ҳисобда турган болалар ҳамда фарзанд тарбиясига салбий таъсир қўратувчи ота-оналарга алоҳида шахсий varaқалар ишлаб чиқилган. Бунинг амалиётга жорий этилганлиги натижасида маҳалла, мактаб, ота-оналар ва воёга етмаганлар масалаларига дахлдор идора ва ташкилотларнинг масъулияти ошди. Ёшлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш, бошқа жиноятчилик ҳолатлари камайди. Бош прокуратура томонидан воёга етмаганлар бўйича амалга оширилган ва чоп этилган ҳуқуқий рисоалар ва шахсий varaқалар тўплами амалиётда фойдаланиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар, шаҳар, туман ва Ўзбекистон Транспорти прокурорларига юборилди.

Туман прокуратураси жамоаси тумандаги бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар

билан ҳамкорликда жойлардаги ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамда корхона ва ташкилотларда аҳоли билан тез-тез учрашув ва сўхбатлар ўтказиб турибди. Ана шу учрашуларда аҳоли томонидан билдирилётган турли фикр ва мулоҳазалар келгуси ишларимизни амалга оширишда асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, аҳоли фикр ва мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида тумандаги 5 та аҳоли яшаш жойларига «Ишонч» кутилари таъкил этилган. Кутиларга келиб тўшаётган таклифлар ҳодимларимиз томонидан ўрганилиб, хат муаллифларига ёзма жавоб берилмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш мақсадида туман прокуратураси муассислигида «Масъулият» газетаси ташкил этилди.

Туман прокуратураси ташаббуси билан газета тахририяти ҳамкорлигида кам таъминланган, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, уларга янги йил байрами муносабати билан 500 минг сўмлик турли совғалар улашилди.

Сўхбатдош: Рашид КАРИМОВ

Армияни том маънода армия қиладиган, ҳар қандай мураккаб вазият ва синовлардан ёруғ юз билан чиқишига асос бўладиган, унинг жанговар қудрати ва ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч — бу армия сафларида хизмат қилаётган инсонлардир!

Ислом КАРИМОВ

ойлигида ҳарбий қисмига кўмондонлиги ибратли тадбирларни ўтказмоқда. Шахсий таркиб ажодларимизнинг меросларидан баҳраманд бўлмоқда. Инсоният тараққиётига улкан ҳиссаларини қўшган буюк алломаларимизнинг мерослари, юртига, халқига хизмат қилган, босқинчиларга қарши мардона курашган, тарихда ёрқин из қолдирган саркардаларимизнинг жасоратлари аскар ва

лича пухта билим беришмоқда. Шу билан бирга, кўмондонлик офицерларнинг мунтазам равишда билим ва малакасини ошириб боришларида алоҳида эътибор қаратмоқда. Аждодларимиз меросини ўрганиш билан бирга аскарларда қонунларга ҳурмат ва эътиром руҳи шакллантириш тарбиявий ишларимизнинг ўзагидир. Ватанпарварлик ойлигида ана шу мақсадда ҳарбий прокуратура, ҳарбий суд ходимлари билан суҳбат ва учрашувлар ташкил қилинапти. Хусусан, ягона ҳуқуқий билимлар кунинда ташкил этилган

лар қисмига таъриф буюришиб, офицер ва аскарлар билан суҳбатлар ҳам кўришти. Ҳаётий билим ва тажрибаларини баҳам кўришди.

«Нуроний», «Камолот» ташкилотлари, Хотин-қизлар кўмитаси раҳбар ва ходимлари билан ҳамкорликда ташкил этилаётган турли мавзудаги кечалар аскар ва офицерларнинг дунёқараши кенгайтиряпти. Суҳбатлар, ватанпарварлик руҳи билан суғорилган бадиий композициялар, сахна кўринишлари ўчмас таассурот қолдирапти.

Улуғ аждодларимизнинг жасоратлари,

МУҚАДДАС БУРЧ

зобитлар қалбини фахр-ифтихор туйғуларига тўлдирмоқда.

Устозларимиз подполковник Икромжон Махмудов, подполковник Радислав Мавлютовлар шахсий таркибини, муддатли ва контракт асосида ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларни она юртга садоқат руҳида тарбиялашяпти. Хизматдошларимиз — капитан Муҳаммадхон Омонов, майор Лаъзбек Халимов, катта лейтенант Хайрулло Давроновлар аскарларга алоҳида жонбозлик билан таълим-тарбия беришяпти. Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини жўш урдирувчи машқ ва тадбирларни юқори савияда ўтказишяпти. Айниқса муддатли ҳарбий хизматни ва шартнома бўйича хизматни ўташни энди бошлаган аскарларга атроф-

қўшма тадбирда қонунларимизда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мунатосиблиги, янги қабул қилинаётган, жамиятимиз, юртимиз тараққиётига хизмат қилувчи қонунларнинг мазмун-моҳияти шарҳлаб берилди.

Чунинчи, муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаган йигитлар Олий ўқув юртлирига киришлари учун ҳавола этилган имтиёزلардан фойдаланишмоқда. Юртига садоқат билан хизмат қилиб, истеъфога чиққан ҳарбийлар иззат-икромдалар.

Ватанпарварлик ойлиги кунлари заҳирадаги подполковник Рустамжон Тожибоев, заҳирадаги подполковник Абдуғани Маматалиев, заҳирадаги майор Тўйибой Бобоев, заҳирадаги майор Аслиддин Баратов каби фахрий-

Тумарис, Широқ, Жалолддин Мангубердиннинг босқинчиларга қарши мардонавор кураши, фидойилиги каби Ватанга садоқатнинг мардонавор намуналари дилларни тўлқинлантиради. Буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаган давлат ва ҳарб ишларини юртишдаги ўғитлари юрт хизматида камарбаста бўлишга даъват этади.

Қисмига таъриф буюришган Ватанимизни кўз қорачиқдай асраш учун кунба-кун тинимсиз машғулотларда ҳарбий билим ва малакаларини ошириб боришмоқда.

Бахтиёр РАҲИМОВ,
Шарқий ҳарбий округ «Н» қисми
кўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари



Балоғат ёшига етган йигитлар ҳарбий хизматни ўташни шараф деб биладилар. Ҳарбий хизмат мобайнида ҳам жисмоний, ҳам маънавий чинкииб, ҳарбий илм асосларини эгаллаб, Ватан ҳимоясига ҳамisha шай турувчи фидойий инсонлар бўлиб етишадилар. Ҳарбий қисмида муддатли ва контракт бўйича хизматни ўтаётган йигитларга замонавий кураш-аслаҳаларнинг сир-асрорларини ўргатиш, ҳарбий интизомга кўникириш билан бирга она-заминга садоқат руҳи синдирилмоқда.

Ватан ҳимоячилари кунини нишонлаш арафасида бўлиб ўтаётган Ватанпарварлик

Икромжон Махмудов, подполковник Радислав Мавлютовлар шахсий таркибини, муддатли ва контракт асосида ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларни она юртга садоқат руҳида тарбиялашяпти. Хизматдошларимиз — капитан Муҳаммадхон Омонов, майор Лаъзбек Халимов, катта лейтенант Хайрулло Давроновлар аскарларга алоҳида жонбозлик билан таълим-тарбия беришяпти. Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини жўш урдирувчи машқ ва тадбирларни юқори савияда ўтказишяпти. Айниқса муддатли ҳарбий хизматни ва шартнома бўйича хизматни ўташни энди бошлаган аскарларга атроф-

Ватан хизматида камарбастамиз

Ватан ҳақида гап кетганда ардоқли шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» номили шеъри ёдимга келади. Дунёда не-не халқлар бор, айримлари чўлу биёбонни, баъзилари тоғу тошларни макон тутган. Ҳатто ўша шеърда айтилгани каби, абадий музликларда яшовчи эллар ҳам бор. Ҳаммага ўз диёри, бизга эса Ўзбекистон азиз.

Тарихда ҳеч қайси давлат ташқи хатардан ҳоли бўлмаган. Фан-техника, телекоммуникация ривожланган бугунги даврда бу масала ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг Конституциясида белгилаб қўйилган суверенитети, худудий яхлитлиги, чегараларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилиш учун эса бизга профессионал армия керак. Юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг ҳарбий соҳада босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади шунга қаратилгандир.

Туманимизда ҳам ёшларни Ватан муҳофафасига тайёрлашда қатор ишлар амалга оширилиб келинапти. Ходимларимиз тез-тез мактаб ва коллежларда, меҳнат жамоаларида бўлиб, суҳбат ва учрашувлар ташкил қилишяпти. Айниқса шахримиздаги Бўстон касб-хунар коллежи, Академик лицейи, 5, 7, 15, 30-сонли мактабларда ўтказган тадбирларимиз «Ўзбекистон бизнинг умумий уйимиз» шиори остида ўтди.

2008 йил — «Ёшлар йили» муносабати билан тумандаги 37 та таълим муассасалари ўртасида чақирққа ёшларни тайёрлаш бўйича энг яхши таълим муассасаси танлови ташкил этилиб, Бўстон академик лицейи ғолиб деб топилди. Унда ходимларимиз ёшлар билан бевосита юзма-юз учрашиб, ҳарбий хизматнинг аҳамияти, афзалликлари, ҳақонда кечаётган сиёсий жараёнлар ҳақида маълумот бериб боришди. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш керакки, ҳарбий хизматда намунали ҳуқли билан бошқаларга ўрнак бўлиб, қисм кўмондонлигининг тавсиясини олган ёшларга олий ўқув юртига киришда энг юқори баланинг 25 фоизини миждорда қўшимча бал берилди. Бундан ташқари, хизматдан бўшиб келган аскарларга энг кам ойлик иш ҳақининг 16 баробари миқдорда пул маблағи берилди. Ҳарбий хизматни ўтаётган йигитларнинг оиласи эса шу давр мобайнида ер солиғи тўлашдан озод этилди.

Қисқа қилиб айтганда, бу ишларимиз ёшларимизни ҳам маънан, ҳам жисмонан чинқитириш билан бирга уларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Зеро, ҳар жиҳатдан баркамол ёшлар нафақат миллий армиянинг таянчи, балки Ўзбекистоннинг буюк келажагини курувчи қудратли кучдир. Биз халқимизнинг осойишта турмуш кечиришига, Ватан Муҳофафасига камарбаста эканлигимиздан фахрланамиз. Байрам муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Менгес АЛЛАМБЕРГАНОВ,
Элликқалъа туман муҳофаа ишлари бўлими бошлиғи

Яқинда телевизор экранларида бир чегара масканида йўловчи автобус ичиди яширин ҳолатда олиб келинаётган катта миқдордаги гиёҳвандлик моддаларни чегарачи аскарлар томонидан қандай топиб олинганлиги ҳақидаги хабар бутун мамлакатимизга тарқатилди. «Оқ ажал»нинг мамлакатимиз ҳудудига кириб келишининг олдини олишда қатнашган ва уни фош этганлар оддий аскар йигитлар эди. Бундай воқеа бошқа чегара масканларида ҳам бўлиши мумкин. Демак, аскарларимиз ҳар кунни ватанимиз ҳудудига ноқонуний, яширин ҳолатда кириб келаётган гиёҳвандлик моддаларни, контрабанда молларини тўқатиб, бу оғудан халқимизни сақлаб қолмоқдалар. Мана шундай аскарларимиз, посбонларимиз бор экан юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, ҳаётимиз фаровон бўлаверади.



ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР

Ватан бизга ота-боболаримиздан мерос қолган маскан. Мана шу гўзал ва обод маскани кеча-ю кундуз ҳимоя қилиш ва уни ўзимиз қабул қилиб олганимиз сингари кейинги авлодга овоз ва обод ҳолда топшириш бурчимиздир. Эндигина ҳарбий хизматга чақирилган ёш аскарлар руҳини кўтариш, улар билан яқна ва умумий тартибда суҳбатлар ўтказиб Ватан тушунчаси, ҳарбий қасамд мазмунини ҳақида фикрлашар эканмиз, кўп фикрлар ҳаёлимизга келади.

— Ватан, ватанпарварлик, ватан ҳимояси деймиз. Аслида бу тушунчаларнинг маъноси нима?

Булар ҳеч қачон мавҳум тушунчалар бўлмаган. Яъни, Ватан бу энг аввало ўзимиз туғилган, вояга етган оила, ота-онамиз бағридир. Бу сўз маъини янада кенроқ тушунадиган бўлса, Ватан бу — биз туғилиб ўсган қишлоқ, туман, шаҳар, вилоят. Ўзбекистон эса бизнинг умумий ватанимиздир.

Энди айтгинчи, мана шундай ватани, ота-оналаримиз бағрини, оиламизни бирон нарсага алмашиш мумкинми? Демак, Ватан сўзининг асл маъносини шундай тушунадиган ҳар бир инсон «ватан ҳимояси» тушунчасини ҳам аниқ тасаввур эта олади.

Биз ўзимиз учун энг қадрли, энг муқаддас бўлган ота-онамиз ва оиламизни ҳимоя қила ололсаккина ўзимиз яшаётган улкан макон — Ўзбекистонни

хам ҳимоя қилган бўламиз.

Ҳарбийлардаги қатъийлик, жасурлик сифатларини бирон нарса билан қиёслаш мумкинми?

Ўз ватанини севган ҳақиқий аскар, ҳарбий ўз қасамидига содиқ қолиб, қийноқларга чидаши, ўлимга ҳам тик бориши мумкин, аммо улар қасамднинг ҳеч қачон бузмайдилар.

Ахир ҳар бир ҳарбий хизматчи бу қасамини нафақат ўз қуролдошлари, офицер ва сержантлари гувоҳлигида, балки ота-оналари, қариндош-уруғлари гувоҳлигида ҳам қабул қиладилар.

Бошқача айтганда, бу қасамд Ватан олдида янраган қатъий сўзлардир.

Яқинда Фарғона вилояти Фарғона туманида яшовчи Ботир Тоғаевнинг йигитлик бурчинини ўтаётган ўғлининг командирига ёзган хатига кўзим тушиб қолди. Унда қуйидаги фикрлар баён этилган экан:

«Биз ўғлимизни Ватан ҳимоясига жўнатганимиз. Ватан — бу она каби муқаддас. Кимки Ватан ҳимоясидан бош тортар экан, у Ватан хоини, халқ душмани. Ундай фарзанд ота-онага ҳам керак эмас. Мен фарзандимни ҳарбий хизматда тобланган, ўз Ватанига содиқ, халқларвар одам сифатида кўришни истайман».

Ўқув машғулотига чиққан аскарлардан бир гуруҳи оқшом чўккач, ўз палат-

калари ёнига йиғилиб гулхан ёқдилар.

Мана шундай дамда, табиийки, ҳар бир аскар йигитнинг кўнглига келадиган, ҳаёлини банд этадигани ота-оналари, оила аъзолари бўлса ажаб эмас. Бир четда ўтирган бақувват, норғул йигитга сўз қотаман:

— Сирижон, нималар ҳақида ўйлаясиз?

— Онам ҳақида ўйлаяпман. Бағриларда юрганимда қадрини унчалик билмас эканман. Мана, бир йилдирки, онамдан узоқман. Онамининг ҳар бир сўзини эслашга ҳаракат қиламан.

Ҳаётимдаги энг улуғ ва қадрдон инсон онам эканлигини ҳис этдим. Онамни асрашим керак, дейман ўзимга ўзим. Аввало Ватанини асрашим лозим. Шунда онамни, сафдошларимнинг оналарини, қўйингни, бутун халқимизни ҳимоя қилган бўлам.

Булар оддий ёш аскарнинг дилларини банд этган меҳр сўзлари.

Ватан сўзининг ҳар ким ўз онги, дунёқараши ва фикридан келиб чиқиб идрок этиши, мазмунига бунданда чўқурроқ баҳо бериши табиий.

Бу сўзни ким қандай тушуниши ва идрок этишидан қатъий назар, ватаннинг нақадар улуғ ва саждагоҳ каби муқаддаслигини ҳар сонияда ҳис этиб туришимиз керак.

Холмурод АЛЛАЗАРОВ,
Истеъфодаги подполковник

Инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳимоясини таъминлаш асосий қадрият бўлиб, бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг туб мазмун-моҳиятини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида қисқа давр ичида мустақил демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Эндиликда суд жазовочиган органдан фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айлиб мустақил бўлиши, прокуратуранинг «кораловчилик» вазифаси ўрнини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш эгаллашиши қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилди.

Жамиятга яна бир институт — адвокатура борки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда жуда муҳим ва устувор аҳамият касб этади.

Маълумки, ҳуқуқнинг маъмурий, фуқаролик, хўжалик ва бошқа соҳаларига қараганда жиноят процессида инсоннинг ҳуқуқ ва қону-

фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳоимлиқ кўрсатиши кафолатлайди.

Конституциянинг 26-моддасига мувофиқ эса судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шaroитлар таъминлаб берилади. 116-моддасига мувофиқ, тергов ва судишни юриштиришнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқий кафолатланади.

Республикаимизда адвокатура фаолияти 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»-ги Қонуни ва 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»-ги Қонуни билан тартибга солинади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 5-боби «Жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қила-

ри ёки суд ажримига биноан ишда ҳимоячи сифатида қатнашиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Адвокатларга ҳимоячи сифатида мутлақ ваколат берилди.

Бироқ, амалда адвокат жиноят процессида қай даражада иштирок этаётти, унинг дастлабки терговдаги иштироки сифат жиҳатдан қай даражада, дастлабки терговда гувоҳлар

Шунингдек, ушбу қонунга асосан ҳимоячи далил сифатида фойдаланиши мумкин бўлган маълумотлари: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушуни-тиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушуниришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўплашга ҳақли бўлиб, унинг жиноят процессидаги ваколатлари янада кенгайтирилди. 2009 йил 1 январдан тарафлар манфаатларини ҳимоя қилмаётган адвокат иш бўйича гувоҳга юридик ёрдам кўрсатиб унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин.

Мазкур ижобий ўзгаришлар дастлабки терговда ҳимоячи институтини такомиллаштиришни янги босқичга олиб чиқади ва жиноят-судлов ишларини юриштиришда қонуний, асосланган ва адолатли қарор қабул қилиниши кафолатлайди.

Ҳимоя ҳуқуқи ҳақиқатни аниқлашда жуда муҳим омил бўлса-да, амалиётда айрим хол-



ҲИМОЯ ИНСТИТУТИ

уни дастлабки терговда такомиллаштириш истиқболлари

ний манфаатлари доирасига кўпроқ таъсир ўтказилади. Чунки, жиноят судлов ишларини юришти орқали фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси VII бобида мустахкамланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг «чекланиши эҳтимоли юқоридир.

Жиноят процессида инсон ҳуқуқларини мустахкам кафолатлаш борасидаги оқилона йўналишлардан бири жиноят судлов ишларини юришти, айниқса, дастлабки тергов босқичида ҳимоячи — адвокат иштирокини сифат жиҳатдан яхшилашдир.

Тергов органлари ва прокурорлар ҳам адвокатларнинг ишда қатнашишидан чекинмасликлари, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш нуқтани назардан уларнинг процессда иштирокини таъминлашлари зарур. Зеро, адвокат одил судловни амалга оширишда ҳақиқатни аниқлашга кўмаклашадиган, шахсга нисбатан fair-конуний тергов усуллари қўлланилишига тўқсинлик қилади, айбдор шахсларнинг ҳаракати тўғри ҳуқуқий малакаланишига ёрдам беради.

Ҳимоялаши институтининг ҳуқуқий асосини авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил қилиб, унинг 22-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз

диган шахслар, ҳимоячилар ва вакиллар» деб номланган бўлиб, унинг 49-моддаси ҳимоячи тушунчасига, 50-моддаси ҳимоячинини тақлиф этиш, 51-моддаси ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳоллар, 52-моддаси ҳимоячидан воз кечиш, 53-моддаси ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солуви ҳуқуқий нормаларга бағишланган.

2008 йил 1 январидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан бу тарздаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоққа сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала юзасидан адвокатнинг жиноят процессуал қонунчилиқда эътироф этилган томонларнинг ўз-ро тортишуви ва тенглиги принциплари асосланган ҳолда дастлабки тергов жараёнида иштирок этиши таъминланди.

2008 йил 15 сентябрда «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига ўзгариш киритиш тўғрисида»-ги Қонуннинг матбуотда эълон қилиниши муносабати билан ишда ҳимоячилар сифатида фақат адвокатлар иштирок этиши, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосномаси бўйича унинг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари адвокат билан бир қаторда суриштирувчи, терговчининг қаро-

рорини қабул қилди. Тошкент шаҳар хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан қарздорлардан Ўзасаноатқурилишбанк фойдасига 2 млн. 100 минг АҚШ доллари микдоридида кредит, 817 минг 432 доллар кредит фойзалари ундириладиган бўлди. Ушбу ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш мақсадида қўшма корхона ва унитар шўъба корхонасига тегишли барча мол-мулк хатлини далолатнома тузилди.

Фаргона вилоят хўжалик судининг қўрсатмаси асосида қарздорларга тегишли бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш ускуналари ва линиялари, тех-

депозит ҳисоб рақамига ўтказиб берди. Ушбу суд қарори ижросини таъминлаш жараёнида суд департаменти шаҳар бўлимига жами 92,1 млн. сўм ижро йўғимти тўланди.

Суд департаменти ҳудудий бошқармасининг туман ва шаҳар бўлимлари йилнинг ўн бир ойи мобайнида 161 минг 663 та ёки 83,2 фоиз микдорда ижро ҳужжатларининг иш юритуви охирига етказилди. 120 млрд. 413 млн. сўмликдан иборат 141 минг 689 та ижро ҳужжатларининг ижроси амалда таъминланди.

Амалдаги қонунларга мувофиқ тар-

Мамлакатимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларида суд қарорларининг сўзсиз баҳарлиши муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун суд департаменти фаолияти такомиллаштириляпти, масъулияти кучайтирилмоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори жойларда изчиллик билан татбиқ этилмоқда.

САМАРАЛИ ИШ РАФБАТИ

Суд департаменти Фаргона вилоят ҳудудий бошқармаси суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнини мунтазам равишда таҳлил қилиб бораётти. Таҳлиллар асосида шаҳар ва туман бўлимлари суд ижрочиларининг фаолиятига тегишли баҳо берилиб, ишни яхшилаш чоралари қўриляпти. 2008 йилнинг 11 ойи мобайнида қарздорларга нисбатан жами 428,8 млн. сўмлик ижро йўғимлари қўланилиб, салкам 210 млн. сўми тўлиқ ундирилди ва тегишли ҳисоб рақамларига туширилди.

Қувасой шаҳридаги Delkons қўшма корхонаси ҳамда Delkons Maestro унитар шўъба корхонаси «Ўзасаноатқурилишбанк»дан ҳамда ушбу банкнинг Фаргона филиалидан олган кредитларни тўламай қолган эди. Ушбу ишни қўриб чиққан Фаргона вилоят хўжалик суди қарздорлардан банкнинг Фаргона филиали фойдасига 516 млн. 916 минг сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув

ника ва автотранспорт воситалари, товар-моддий бойлик ва захиралари, инвентарлар «Ал-Водий баҳолаш» МЧЖнинг мутахассислари томонидан жами 4 млрд. 672 млн. 286 минг сўмга баҳоланди. Ушбу мол-мулкнинг 158 млн. сўмлиги сотиш учун савдо дўконларига чиқарилди. 4 млрд. 514 млн. сўмликдан зиёд мол-мулк эса Кўчмас мулк биржасининг Фаргона бўлимида кимосиди савдосига қўйилди. Кимосиди савдосида сотилмай қолган мол-мулкни қонуннинг 56-моддасига асосан ундирувчи ўз балансига қабул қилиши тўғрисида тақлиф киритилди.

Ундирувчи «Ўзасаноатқурилишбанк» Фаргона минтақавий филиали тақлиф этилган мол-мулкни ўз балансига қабул қилишга розилигини билдирди. Қарздорлик қолган мол-мулкнинг 2 фоизи микдоридидаги қисми — 83 млн. 151 минг сўмини ижро йўғим сифатида ундирувчи банк суд департаменти Қувасой шаҳар бўлимининг

да ижро йўғимлари суд ижрочилари иш шaroитларини яхшилаш, зарур анжомлар билан таъминлашга сарфланяпти. Хусусан, самарали фаолият юритган суд ижрочилари Қўқон, Фаргона, Қувасой шаҳар, Беширқ туман бўлимларига «Матиз» ва «Дамас» русумли хизмат машиналари олиб берилди. Ҳар ойнинг якунида ундирган ижро йўғим ҳисобланми, суд ижрочилари пул мукфотлари билан тақдирланиляпти. Бу йўсиндаги рағбатлантириш барча ижрочиларни жонқуярлик билан ишлашга даъват этмоқда.

Суд департаменти ходимларини, барча суд, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини Янги йил билан қутлаймиз. Қонун устуворлигини таъминлашда маъсулиятли ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

Бахромжон МАМАЖОНОВ,
Суд департаментининг Фаргона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Яна бир имтиёз

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»-ги Қонунини ижро этиш ва пенсионерлар фаровонлигини ошириш учун қўшимча равишда шарт-шaroитлар яратиш борасидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори пенсиядаги фуқароларнинг учун кўплай қулайликлар яратмоқда.

Мазкур қарорга кўра, 2005 йилнинг 1 январидан бошлаб фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимида қўшимча равишда жамғариб бориладиган пенсия тизими ҳам жорий этилди. Маълумки, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига ойлик бадаллар жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан тегишли равишда чиқариб ташланган ҳолда ҳисобланган иш ҳақи (даромади)нинг бир фоиз микдоридида амалга оширилади. Ушбу ҳисоб варақларига шахсий тартиб рақами бериш тартиби паспорт тизимига мувофиқ аниқланган фуқароларнинг идентификация рақами (шахсий коди) асосида амалга оширилади.

Бу имтиёз ҳукуматимизнинг пенсионерларга наватданга ғам-хўрлиги бўлиб, фуқаро пенсияга чиққач, хоҳлаган вақтида Халқ банкидан ўз жамғармасини олишга ҳақли.

Навоий вилояти Давлат солиқ органлари томонидан ҳам фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2008 йил бошида жамғариб бориладиган пенсия тизими иштирокчиларининг сони 228 минг 958 нафарни ташкил қилган бўлса, йил охирига келиб, бундай фуқаролар сони 250 минг 525 нафарга етди.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминотида ҳисоб рақами очган 250 минг 525 нафар иштирокчиларнинг 98 фоизи пенсия дафтарчалари билан таъминланган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2007 йил давомида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига 3 млрд. 901 млн. 897 минг сўм иштирокчилар маблағи келиб тушган бўлса, ўтган йил давомида 5 млрд. 266 млн. 680 минг сўм келиб тушган. Бундан қўринадики, халқимиз яратилган бу имтиёзнинг моҳиятини тушуниб, ундан самарали фойдаланиб келмоқда.

Фуқаролар пенсия ёшига етганда ёки бошқа давлатга кўчиб кетаётганда тизим иштирокчиларига жамғариладиган пенсия ҳисоб рақамидида маблағлар ўз вақтида чиқим қилиб берилмоқда.

Мирали МАХМУДОВ,
Навоий вилоят ДСБ ходими

Ҳақратлик теледастурлар

Душанба TV

2009-yil 15-yanvar, № 03 (628)

Моҳият
Билмаган
нарсани билмай-
ман, деб жавоб
беришдан уял-
манг.
Али ибн Абу Толиб

19-yanvar, Dushanba
07.00, 08.30, 10.25 Ўзбек наво-
лари
08.00, 15.00 Т/с «Жассига ўхша-
ши йўк»
09.30 Серил «Панох»
11.30 Х/ф «Герой»
13.40 Ўзбек наволари
15.30 Мультфильм
17.00 «Baby Terra Landiya»
17.30 Премьера (узб)
18.00 Ўзбек наволари
18.30 Т/с «Жассига ўхшаши йўк»
19.00 Серил «ПАНОХ»
19.35 Ўзбек наволари
20.30 «Тор-10»
21.05 Ўзбек наволари
21.30 Серил «ЗВЕЗДНЫЕ ВРАТА»
22.20 Комедия «ГЕРОЙ»
00.30 Миксер

лари
08.00, 15.00 Т/с «Жассига ўхша-
ши йўк»
09.30 Серил «Панох»
11.30 Х/ф «Герой»
13.40 Ўзбек наволари
15.30 Мультфильм
17.00 «Baby Terra Landiya»
17.30 Премьера (узб)
18.00 Ўзбек наволари
18.30 Т/с «Жассига ўхшаши йўк»
19.00 Серил «ПАНОХ»
19.35 Ўзбек наволари
20.30 Серил «ЗВЕЗДНЫЕ ВРАТА»
22.20 Х/ф «СТРЕКОЗА»
00.10 Ўзбек наволари

TV МАРКАЗ канали ҳафталик дастури
09.30 Серил «Панох»
11.30 Х/ф «Стрекоза»
13.20 Ўзбек наволари
Меҳнат қонунчилигида ходимнинг соғлиғи ёки ҳаётига etkazилган зарарни қоплашга доир бир қатор нормалар ўз ифодасини топган бўлса-да, бу масалалар юқорида кўрсатиб ўтилганидек, иш берувчиларнинг лоқайдлиги ёхуд бундай зарарларни тўлашдан бўйин товлаши туфайли ўз вақтида тўланмай, ходимларни судда-суд юриб, сарсон бўлишига олиб келмоқда. Бу албатта корхонанинг манфаати учун хизмат қилаётган даврда жараҳат олиб, ногирон бўлиб қолган ходимни ёки ўз вазифасини бажариш даврида вафот этган ходимнинг оила аъзоларини жуда оғир аҳволга олиб келади. Ана шу жиҳатдан бундай ҳолатларда иш берувчига қўшимча жавобгарлик қўлаш чорасини белгилаш лозим. Бундан ташқари, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, ҳозирги кунда Республикада «Иш берувчиларнинг ходимлар олдидagi фуқаровий ҳужуқий жавобгарлигини мажбурий сугурталаш тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳасини тайёрлаш жараёнида келгусида ушбу қонун механизмининг, яъни ижросини таъминлаш мақсадига сугурта идораларига ҳам юқоридаги жавобгарликни, яъни сугурта қопламаси олиши лозим бўлган ходимга сугурта қопламасини тўлашдан қасддан бош торгнатилиш учун Маъмурий жавобгарлик чораларини белгилаш лозим. Сугурталанишнинг бу тури иш берувчининг мажбуриятини таъминлаш чораларидан бири ҳисобланади. Бундай чораларнинг белгилиниши судлар томонидан бу каби низоларни ҳал этишда etkazилган зарарни жабрланувчига тезда қоплаш имконини беради.

Бундан ташқари, ҳозирда қўллаб ёлланма ишчиларнинг хизматидан фойдаланиш йўлга қўйилганлигини инobatта олиб, келгусида бундай шахсларга ҳам ёлланма тарзда ўз вазифаларини бажариши давомида соғлиғи ёки ҳаётига etkazилган зарарларни қоплашни кафолатлашга доир юқоридаги каби қонунларни қабул қилишга эришиш лозим.

Матлуба АМИНЖОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари кафедраси
бошлиғи в.б.

Ички меҳнат тартиби

У нимани англатади?

Уруш туугач, жанг майдонидан ўтиб бораётган Буёк Темур ўз жангчилардан иккитасини ҳалок бўлган душман аскарининг оёқ кийими устида ўзаро жанжаллашиб туришганини кўради ва уларни шу заҳотиёқ ўлим жазосига маҳкум қилишни буюради («Самарқанд осмонида юлдузлар» Сергей Бородин асари.)

Асардаги бу манзарани қанчалар тўғри ёки нотўғрилигини билмадигу лекин, қўшиннинг ҳамжиҳатлиги учун ўрнатилган ички тартиб ва темир интизом Амир Темур салтанати муваффақиятининг асоси бўлган. Жангчилар томонларнинг манфаатларига мос шартлар билан урушга ёлланган. Уларнинг меҳнати қадрланган ва рабағтлантирилган.

Тинч даврларда ҳам кишилар маълум шартлар асосида ёлланиб ишлашган. Ходим иш берувчи қўйган тартиб-қоидаларга бўйсунган. Хуллас ҳар қандай даврда ҳам, жамиятда ҳам иш берувчи ва ишчилар манфаатларини ифодаловчи тартиблар амал қилган.

Биз қадимги уруш даврининг шартсиз тартиби билан ҳозирги тинч даврдаги меҳнат тартибини қиёсламоқчи эмасмиз. Лекин, тартиб-қоидаларнинг турлича бўлишидан қатъи назар унга адолатли ёндоқиш ҳар икки томон учун ҳам фойдалан ҳоли бўлмайди.

Мамлакатимизда ҳам меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган муҳим норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 1-моддасида меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек, жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади, дейилган. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир меҳнат жамоаси иш берувчи ва ходимлар муносабатларини аниқлаш тартиби, манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадига ички меҳнат тартиби қоидалари ҳам ишлаб чиқилади. Бун тўғри йўналтириш учун 1999 йили «Идоравий мансуублиги, мулкчилик ва ҳўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ички тартибининг намунавий Қоидалари» ишлаб чиқилган бўлиб Адлия Вазирлиги томонидан 1999 йилнинг 14 июнида давлат рўйхатида ўтказилган. Ушбу қоидалар асосида корхона маъмурияти томонидан тузилган ички меҳнат тартиб-қоидалари меҳнат шартномаси тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнат интизомини таъминлаш ҳамда бошқа масалаларни ҳал этишда асосий меъриёрий локал ҳужжат ҳисобланади.

Қоидаларга риоя этиш эса иш берувчи учун ҳам, ходим учун ҳам мажбурий ҳисобланади.

Ички тартиб-қоидаларни тузиш талабига кўра, иш берувчи ходимнинг меҳнатини ташкил қилиш, иш ҳақини ўз вақтида тўлаш, меҳнат интизомини таъминлаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этишни шарт бўлади.

Ходим эса ўз навбатида меҳнат интизомига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиши, иш берувчининг мол-мулкига эҳтиёткорона муносабатда бўлиши, шунингдек, иш жараёнида бошқа шахслар билан ҳўшмуомалада бўлишга мажбурийдир.

Ички меҳнат тартиб-қоидаларини тузиш зарурлиги шундаки, Меҳнат кодексининг 100-моддаси, иккинчи қисми, 4-бандида ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини қўпол равишда бир марта бузганлиги учун меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш назарда тутилган. Аммо меҳнат вазифаларини бир марта қўпол бузиш рўйхати Меҳнат кодексига келтирилмаган. Бундай рўйхатни ҳар бир иш берувчи ўзининг ички меҳнат тартиб-қоидаларида тасдиқлаши лозим.

Ходим узрли сабабларсиз ишга келмаса ёки берилган топшириқларни бажармаса, бундай ҳолатлар учун у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиб бўлмайди. Чунки ички меҳнат тартиб-қоидаларида бундай ҳолатлар рўйхати бўлиши лозим.

Меҳнат кодексининг 181-моддасида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортқ бўлган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам ички меҳнат тартиб-қоидаларида қайд этилиши лозим. Аке ҳолда 30 фоиздан 50 фоизгача солинган жарима ноқонуний ҳисобланади.

Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкинки, ички меҳнат тартиб-қоидалари тузишда меҳнатга оид муносабатларда вужудга келиши мумкин бўлган ноқонуний ҳаракатларнинг олди олинган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрь 3665-сонли Фармонида мувофиқ текширишлар сони қисқарди. Лекин, ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари фақат текшириш пайтида кўрсатилган камчиликларни тутатман деб қараб турмасдан ўз фаолиятларини юритишда қонун ҳужжатларига назар солиб турса, қолаверса, жойлардаги Давлат меҳнат ҳўқуқ ва техника инспекторлари билан ҳамкорликда иш олиб борсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Х.ТОШЕВ,

Қашқадарё вилоят

Давлат меҳнат техника инспектори

Милиция ходимлари чорраҳада эртдан кечгача эгасиз турган тўқ яшил рангли «Нексия»ни кўздан кечиришди. Орқа ёриткичда қўл бармоқларини қизғиш излари қолганди. Салонида, қўл тормозидида қон доғлари бор, орқа юкхонасининг ичи ҳам қон юқи эди. Ушбу ҳолат бўйича Фарғона шаҳар прокуратураси жиноят иши кўзга ташлади.

ИХБ маълумотлар базасида аниқланганидек, Фарғона шаҳрининг М.Қосимов ва Охунбойев номили кўчалари кесишган чорраҳага ташлаб кетилган 15 17121 давлат белгилли яшил рангли «Нексия» машиниси Ўзбекистон туманининг Нурсух қишлоғида яшовчи Муҳимжон Бобораҳимовга тегишли эди.

— Баҳодиржон билан хусусий фирма — нон цехи очиб бирга ишлаймиз, — деди «Нексия»нинг эгаси сўроқ қилинганида. — Мошини унинг ихтиёрига топшириб қўйганман. У билан 18 июнь куни кўришдик. Эркинжонга битта ишда ёрдам беринг, деди. Айтганидай, Эркинжон билан учрашиб, гаплашиб олдик. Келаси куни Баҳодиржон Эркинжон билан бирга келди. «Иш билан узокроққа кетялман» деди. Кейин телефонда «ун жўнатдим, тушириб олинглар» деди. Шундан кейин уни кўрмадим.

Баҳодир Ҳабибуллаев оғайнининг «Нексия» машинасида 19 июнь куни кечки пайт чиқиб кетганича тўрт кундан бери уйига келма-

деди у. Ўзича «ўлдираман!» дея оқ рангли «Нексия» машинасига ўтирди. Йўл-йўлақай уни бир ёқлик қилишнинг турли йўлларини чамалаб борди. Миясида қонли режа пишиб етилди. Охтатағоблик Равшан ундан 100 минг сўм қарз олиб қайтармаганди. Тошкентга бориб қаерлардадир ишлади, лекин қарзини бермади. Уни ишга солса, йўқ демайди. Орадан бир ҳафта ўтиб Эркин кўчада, Яйпан шаҳри бозори ёнида Равшан билан Абдувоҳидни учратди.

— Юринглар, битта иш бор. Улар «Нексия»га чиқиб ўтиришди. — Баҳодирни биласиз-а, — деди



Эркин қўл телефонида Баҳодир билан гаплашди.

— Битта иш бор. Хўп десангиз, анчагина пул ишлаб оламиз. Дадам билан уйда кутамиз.

Баҳодир хотинига кечроқ келаман деб чиқиб кетди. Уни дарвоза ёнида Эркин қарши олди. Ичкарига бошлади. Ҳовлидаги сўрига ўтиргизди. Негадир хонада беркиниб турган Равшан ҳаяллади. Эркин Абдувоҳидга «бор, дадамни чакчир» деди. Аслида уйда дадаси йўқ эди. Абдувоҳид иккинчи қаватга кўтарилди. Унинг ортидан Эркин ҳам чиқди. Шу пайт Баҳодир «Эркин, ёрдам бер, анави пичок урди» деб бақирди. Ик-

қолишлари мумкин. Сизлар Фарғонага жўнатилган. Йўлда биронта овлоқ жой топиб, манави бензинни сепиб ўликни ёндириб юборинглар. Эртага телефонда ўзим сизларни топаман.

Равшан Баҳодирнинг «Нексия»сига ўтирди. Олтиариқнинг Қапчуғай қишлоғидан ўтиб, Фарғонага яқинлашганларида ўнг тарафга адирга бурди. Адир ичидаги ахлат ташланадиган жарликка мурдамини сураб тушишди. Устидан бензин сепиб ёндириб юборишди. Сўнгра машинада Фарғона шаҳрига кириб боришди.

Абдувоҳиднинг Фурқат туманида яшовчи оғайниси Рустам университетда ўқирди. Кўпқаватли бинода, бировнинг уйида ижарада яшарди. Шаҳардаги «777» мехмонхона ёнида «Нексия»ни қолдириб, «Тико» такси машинасига чиқиб ўтиришди. Рустам кечаси соат тўртда чақирилмаган мехмонни кўриб ҳайрон бўлди.

— Биронта жой борми, ётиб дам

ни туйфайли қотиллар қатори жиний жавобгарликка тортилди.

Гумонланувчи тарикасида ҳибсага олинган Абдувоҳид Тўхташев химоячи иштирокида Баҳодир Ҳайдаровни қандай ўлдирганларини бир бошдан сўзлаб берди. Уша куни, қотиллик жиноятининг бешинчи куни шериклари Эркин Ҳасанов ва Равшан Нейматжоновлар ҳам ҳибсага олинди. Айбланувчилар воқеа жойи — Э.Ҳасановнинг Қўрғонча қишлоғидаги ҳовлисида Б.Ҳабибуллаевни қай йўсинда ўлдирганларини айтиб кўрсатиб беришди. Сўнгра Олтиариқ туманидаги ахлат ташланадиган жарликка бошлаб боришди. Бензин сепиб ёндирилган жасаднинг жизанага чиққанди. Бош чаноғидаги қўйма тишига қараб ақинлари уни таниб олишди.

Дастлабки терговда айбига тўлиқ иқроқ бўлган Э.Ҳасанов суд мажлисида ўзини оппоқ қилиб кўрсатишга тиришди. Гуё уша куни сут цехига Равшан билан Абдувоҳид келиб, қўл телефони сўраб олишган. Ким биландир гаплашиб ўлдираман деб таҳдид солишган. Орадан икки соат ўтиб, яна цехга боришган ва сизнинг Қўрғонча қишлоғидаги уйингизда Баҳодирни ўлдирдик деб айтишган. Шундан сўнг марҳумнинг машинасида Фарғона тарафга кетиб юборишган.

А.Тўхташев билан Р.Нейматжонов ҳам судда жиний қилмишлар

Тавбасига таянмаган қотил

ган эди.

Қўп ўтмай Фарғона шаҳрида фалоний кўрсатувчи такси ҳайдовчиси милицияга целлофан пакетдаги қон юқи бўлган ёзлик кийимларни келтириб берди. Унинг сўзларига қараганда 19 июндан 20 июнга ўтар кечаси тунги соат тўртларда «777» мехмонхонаси ёнида турганида уч нафар йигитлар машинасига келиб ўтиришган, ошхонага бориб овқатланишган. Сўнгра тонг сахар бозорига бориб, янги кийимлар харид қилишган. Теннис корти ортидаги сойда чўмилиб, кийимларини алмаштиришган. Биттасининг қора целлофан пакетга солинган эски кийимлари машинасида қолиб кетган.

Тезкор-қидирув гуруҳи ходимлари қон юқи кийимларнинг эгасини аниқлашди. Ўзбекистон туманининг Охтатағоб қишлоғидаги Абдувоҳид Тўхташевни гумонланувчи тарикасида сўроққа тутишди.

Эркиннинг дадасига қарашли фермер хўжалигининг сутни қайта ишлаш цехи тўхтаб қолган, сув йўқ эди.

— Нимага водопроводдан сув келмапти?

— Баҳодир ака қувурни уздириб қўйди, — деди ишчилардан бири. Эркиннинг фемиони фалакка чиқди. Ҳозирроқ Баҳодирни топиб ўлғудай савалашни ҳаёлидан ўтказди. Унга учраб суви улаб қўйишни талаб қилди. «Бошқа қувур тортириб ол»,

йўл-йўлақай. — Хўкиз, ўзича қузирлик қилиб гашимга тегяпти.

— Мениям шилаяпти, — деди Равшан. — Беш юз доллар қарзим бор. Ойига бир юз эллик минг сўм процент тўлатаяпти. Процентининг ўзи олган қарзимдан кўпайиб кетди.

— Менга қарзини бермай қўяверинг. Агар Баҳодирни бир ёқлик қилганиңарайиборсаларинг, айтган гулларингни бераман. Шунчақиламизки, изиниям топишолмайди.

Абдувоҳид тенгдош ҳамқишлоғи Равшан каби тақасалтанг, йигирма ёшида бирон жойда ёлчичиб ишламаган, вақтини кайфичоғлик билан ўтказар, шу кунлари чўнтаги қуруқ, боши фовлаган эди. Ҳозиргина у билан илган пивонинг кайфида «марду майдонга» айланиб, Эркиннинг таклифига кўнди.

Келаси куни Эркин машинасини ювдиратганида Равшан уйдаги совага ханжар пичокни қўйинга солиб келди. Бозор ёнида Эркиннинг «Нексия»сида Абдувоҳидни ахтариб топдиши. Шаҳарга бораётганларида «Матиз» такси йўлларидан чиқиб тўхтатди.

— Пичокни нега олиб юрибсан?

— деди онаси Равшанга.

— Олганим йўқ, — деди Равшан.

— Олган бўлса, ўзим уйинга оббориб бераман, — деди Эркин.

Равшан онаси ва онаси билан кўчада қолди. Бирор соатдан кейин яна учрашишди. Кечки соат еттиларда Эркиннинг Қўрғонча қишлоғидаги кимсасиз уйига боришди.

каласи пастга тушишди. Равшан гуё ичкаридан мехмонга суяниб ўтирганни суянгани ёстиқ олиб чиқиб, унинг ортига яширган пичокни Баҳодирнинг кўксига санган эди. Абдувоҳид кўксини чангаллаган Баҳодирни муштлаб урди. Эркин кетмон билан бошига солди. Равшан яна бирикчи пичок урди. Йиқилиб тилиричилаб ётганида пичокни бўзига тортиб юрди. Баҳодир минг азобда жон берди. Шу пайт тинчликми, дея остонада кўшни пайдо бўлди. «Юринг, юринг», деб Эркин уни кўчага етаклади. «Ҳеч нарса эшитганингиз ҳам, қўрғанингиз ҳам йўқ, Акс ҳолда!» Бир марта қотилиб қилиб, қамалиб чиққан йигитдан чўчиган кўшни изига қайтди.

Равшан Баҳодирнинг яшил «Нексия»сини ҳовлига миниб кирди. Мурдани машина юкхонасига ташлади.

— Каримдевонова қишлоғига бориб туринг, биз ортингиздан борамиз, — деди Эркин Равшанга. Равшан Баҳодирнинг «Нексия»сини миниб жўнади. Эркин ва Абдувоҳид уйдаги қон доғларини супириб, ювиб ташлашди. Сўнгра иккаласи оқ «Нексия»да Каримдевонова қишлоғига йўл олишди. Йўл-йўлақай Эркин цехлари ёнида бировнинг уйдан 10 литрли канистрага бензин қўйдириб олди.

— Мана, эллик доллар билан сажиксиз минг сўм. Ҳозир ёнимда бори шу. Мен уйга бориб турмасам бўлмайди. Баҳодирни излаб келиб

оладиган?

Пастга тушганларида Абдувоҳид Равшанни таништиради.

— «Нексия» киминики? — сўради Рустам.

— Дадамникини миниб қочдик, — деди Абдувоҳид.

— Нимага уст-бошларинг қон?

— Лўли болалар билан муштлашдик.

— «Тико»га чиқшди. Тонг ёришаётганда ошхонага киришди. Абдувоҳид марҳум Баҳодирнинг чўнтагидан олган 500 долларни сўмга алмаштириб келди.

— Бирон жойда дам олмас.

Рустам уларни фоҳишахонага бошлади. Кўпқаватли бинодаги бир хонадонда яшовчи қўшмачи аёл телефонда «нозанин»ни чақирди...

Бир соатлардан кейин буюм бозорига боришди. Абдувоҳид бозорига кириб, ўзи ва Равшанга янги кийимлар сотиб олди. Теннис корти ортидаги сойга бориб, чўмилиб кийимларини алмаштириб олишди. Таксига ўн беш минг сўм тўлашди. Шу ерда қолдиришган «Нексия»нинг орқа юкхонасини очганларида қон доғларини кўриб, Рустам тагин нима балони бошлаб келдиларинг деб сўради.

— Баҳодир деган биттасини ўлдириб қўйдик. Машина ўшаники. Ҳеч кимга айтманг, — бу гап Абдувоҳид очигига кўчди.

Рустам қотиллик жиноятини била туриб, оғзига талқон солиб юраверди. Ута оғир жиноятни яширгани

рида Э.Ҳасанов иштирок этмаганини тасдиқлашга уринишди. Бирок далиллар, гувоҳларнинг кўрсатмалари айнан унинг марҳумга нисбатан адовати туйфайли жиний режаси бўйича Б.Ҳабибуллаевни алдаб ҳовлисида чақиритгани, сўнгра учовлон ўртага олиб пичоқлаб ўлдирганини кўрсатди. Хусусан, Ш.Эргашев уша куни кечқурун шовқин-суронни эшитиб қўшнсининг ҳовлисида кириб борганида ҳовлидаги чироқ ёруғида Э.Ҳасанов ва яна икки киши бир одамни ўртага олиб калтаклашаётгани устидан чиққани тўғрисида гувоҳлик берди. Ҳовлидан олишган уч бўлак бўлиб синиб кетган кетмон дастаси, судланувчилар йўқотишга улгурмаган кийимларидаги марҳумнинг қон гуруҳига мансуб доғлар, марҳум миниб юрган машинада қолдирилган бармоқ излари ва бошқа далиллар орқали уларнинг айби тўлиқ исботланди.

Муқаддам бир фоқаронинг жонига қасд қилиб жазоланган, тавбасига таянмай, ташроҳ ута оғир жиноятни содир эткишга бош-қош бўлган, реңдестивист топилган Э.Ҳасанов, унинг ногорасига ўйнаб қўллари қонга беланган Р.Нейматжонов ва А.Тўхташевни суд узок муддатга озоликдан маҳрум этди.

Масъуд МЎМИНЖОНОВ,

Фарғона вилоят прокуратураси

бўлим бошлиғи.

Исроил ИБРОҲИМОВ,

«Нуқид» муҳбири

Коракалпоғистонлик Таҳир Абдураманов олий ўқув юртини тамомлагач, ўзи орзу қилган соҳага — суд-тиббий экспертизасига ишга кирди. Тошкент шаҳар суд-тиббий экспертизаси идораси 2-филиалида эксперт вазифасида иш бошлаган Т.Абдурамановнинг хизмат вазифасига тан жароҳатларининг даражаси, сабаблари, муддати ва механизмини белгилаш қабилар кирар эди. Аммо, иш бошлаганига бир йил ўтмай Таҳир Абдураманов масъулиятни унутиб, вазифасидан ноқонуний даромад топиш дардига чалинди.

Ёз кўнарагининг биринчи, аниқроғи ўпан йилнинг 5 июнида унинг ҳузурига фуқаро М.Исроилова (исм-фамилиялар ўзгариш берилмоқда) кириб келди. Маълум бўлишича, М.Исроилова уч ойча олдин кўчада номалум шахслар томонидан қалтакланган, оқибатда жабрланувчи аёл шифохонада даволаниб чиққан. Бу бўйича жиноят иши ҳам кўзга ташланди. Шу сабаб-

ТАЪМАГИР ЭКСПЕРТ

дан аёлга енгил тан жароҳати олганиги ҳақидаги суд-тиббий экспертизаси хулосаси керак бўлган.

М.Исроиловнинг касаллик варақасини ўқиб, гапларини индамай тинглаб ўтирган Т.Абдураманов арқонни узун ташлади.

— Сизни тушуниб турибман, — гап бошлади у, — лекин орадан уч ой вақт ўтиб кетибди. Жароҳатларингиздан асар ҳам қолмаган.

Қандай қилиб соғлиқнинг қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати олганини ҳақида хулоса беришим мумкин?

— Гапларимга ишонмаясизми? Ана касаллик варақамда соғлигимга шикаст етгани,

ни, шифокорга мурожаат қилганим ҳақида ёзиб қўйилган-ку, — деди М.Исроилова.

— Бу ердаги ёзувларга, сизнинг гапларингизга ишонман, лекин айти пайтда мен сизда ана шу жароҳат изларини кўрмаяман. Қисқаси, бунинг иложи йўқ, — деди Т.Абдураманов.

— Унда мен нима қиламан? Уқда иш

очилган... — деди ноилжоланган М.Исроилова. Т.Абдураманов мударога кўчди: — Майли, сизга ёрдам қиламан. Хулосани сиз айтгандай қилиб ёзиб бераман, фақат озгина харажати бор...

Хуллас, Т.Абдураманов таъмагирик билан пора талаб қилгач, М.Исроилова қўп ўйлаб ўтирмай ҳуқуқ-тартибот органига мурожаат қилди. Тезкор гуруҳ томонидан ўтказилган тадбирда таъмагир эксперт пора олаётган чоғида қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Юнусов туман судининг ҳукми билан Т.Абдураманов беш йил муддатга озоликдан маҳрум этилди.

Жамолдин ҲОШИМОВ,

Тошкент шаҳар прокуратураси терговчиси

ТҶЙХАТ ҶРНИДА

Меҳнати қадрланган, кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган инсонни бир сўз билан бахтли инсон деса бўлади. Бундай бахт ҳаммага ҳам nasib этавормайди. Умрининг кўп қисmini ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга бахшида қилган прокуратура фахрийлари Галина Воробьева билан Алексей Тен Син Намни ана шундай меҳнатидан кадр толган, бахтли инсонлар дейиш мумкин. Улар ҳозирда табаррук 85 ёшни қарши олишмоқда.

Табаррук ёшингиз муборак бўлсин!



Галина Воробьева меҳнат фаолиятини 1941 йил мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1944 йилдан Бухоро вилояти судида котиба бўлиб ишлайди. 1950 йили йўлланма билан Тошкент юридик мактаби (ҳозирги юридик коллежи)га ўқишга келади. Кейинчалик Красноярск ўлкасининг Канск шаҳар прокуратурасида терговчи бўлиб иш бошлайди. Уша пайтда Красноярск шаҳридаги институтни сиртдан битириб, 1964 йил яна ўзбекистонга қайтиб келади. Дастлаб Тошкент шаҳрининг Яқкасарой прокуратурасида терговчи, 1975 йилдан Тошкент шаҳар прокурорининг вояга етмаганлар ишлари бўйича ёрдамчиси лавозимларида масъулият билан хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ўз ҳиссасини қўшди. Меҳнат фаолияти давомида адолатпарварлиги, ҳушфезлиги билан ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонди.

Қарийб 25 йилдан ортиқ умрини қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга сарфлаган Алексей Тен Син Нам ҳам дастлабки меҳнат фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаган. Лекин ҳуқуқ тизимига бўлган қизиқиш уни Москва Давлат Университетининг ҳуқуқшунослик факультетига етаклади. 1961 йилда Алексей Тен Син Нам мазкур университетни муваффақиятли тамомлади. 1962-1970 йиллар мобайнида ў Қозоғистон Республикасининг вилоят ва шаҳар прокуратураларида терговчиси, прокурор лавозимларида самарали меҳнат қилди. 1970 йилдан эса ўзбекистонда Бухоро вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси, кейинчалик Навоий вилоят прокурорининг ўринбосари бўлди.



Қаерда ишлагани адолат нуқтани назардан иш қурди. Кўплаб шогирдлар тайёрлади. Соҳа сирларини ёшларга ўргатди. Меҳнатсеварлиги, ишга талабчанлиги ва ташаббускорлиги билан эл назарига тушди.

Бугун нафақа гаштини сураётган Галина Воробьева билан Алексей Тен Син Нам фарзандлари ва шогирдларини ардоғида.

Фурсатдан фойдаланиб, уларни кўтлуг ёшлари билан табриклиймиз. Сихат-саломатлик, хонадонларига осойишталик, оилавий бахт-саодат ва узок умр тилаб қоламиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийлари илтимойи кўлаб-қуватлаш жамоатчилиги маркази



Жиноятчилар жазоланадими?

Слободан Милошевич ҳуқуқронлиги вақтида Сербия махфий полицияси бошлиги вазифасида ишлаган Радомир Маркович 13 январь кuni Белградда ўтказилаётган суд жараёнида сўзга чиқиб, Косованинг Сува Река қишлоғида 1999 йилда рўй берган албанларнинг оммавий қирғинидан бе-хабар эканлигини таъкидлади.

Унинг сўзларига қараганда, агарда у рўй берган воқеалардан хабар топганида албатта чора кўрган бўларкан. Қайд этиш керакики, Радомир Марковичнинг ўзи 1999 йилнинг октябрь ойида Мило-

шевичнинг сиёсий рақибларидан бири — ташқи ишлар вазири Вук Драшковићга нисбатан содир этилган суиқасдда иштирок этганлиқда айбланиб, аввалроқ 40 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Сува Рекадаги қатл иши бўйича махсус хизматнинг собиқ саккиз нафар зобит ва аскарлари асосий айбланувчи тариқасида ушлаб турилибди. Айбловчиларнинг фикрича, айбланувчилар бевосита албанларни қатл этишда иштирок этишган. Сува Рекада 48 нафар албан миллатига мансуб кишилар отиб ташланган. Уларнинг барчаси катта бир оила аъзолари бўлишган. Ўлди-

рилганларнинг 14 таси болалар, икkitаси чақалоқ ва битта ҳомилалар аёл бўлган.

Тергов маълумотларига кўра, серб махсус отряди жангчилари аввал барча эркакларни ўлдириб, кейин қолган албанларни маҳаллий ресторан ичига ҳайдаб кириб, гранаталар билан портлатиб юборишган. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, Белградда бўлиб ўтаётган суд жараёни Сербиянинг собиқ Югославияда бўлиб ўтган ҳарбий қарама-қаршилиқ вақтида ҳарбий жиноятларни содир этганларни жавобгарликка тортишга тайёргарликнинг бир намунасидир.

Назранда портлаш

Назран шаҳридаги суд приставлари хизмати биноси олдидаги портлаш факти бўйича жиноят иши кўзғатилган. Жиноят иши Жиноят кодексининг «эҳтиётсизлик оқибатида одам ўлдириш» ва «икки ёки ундан кўпроқ одамларнинг ҳалок бўлишига сабаб бўлган ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши» деган моддалари бўйича кўзғатилган. Тергов органлари террористик хуруж бўлган, деган тахминни инкор этмоқдалар, деб хабар қилади Интерфакс.

Тергов органи вакилининг айтишича, ҳозирги кунда воқеа содир бўлган жой махсус мутахассислар иштирокида кўздан кечирилган ва портлаш эпицентрида портловчи моддалар белгилари топилмаган. Мазкур портлаш 2009 йил 13 январь кuni соат 9.50 да содир бўлган. Уч қаватли бинога қисман зиён етказилган. 8 киши ҳалок бўлган ва 20 дан ортиқ киши жароҳат олган.

Ингушეთя Президенти фармони бўйича республикада 3 кунлик мотам эълон қилинган. 14, 15, 16 январь кунларига мўлжалланган барча маданий ва тантанали тадбирлар бекор қилинган. Ҳалок бўлганларнинг оилаларига 100 миң рублдан тошон пули тўланади. Портлашдан жароҳат олганлар эса 25 миңдан 50 миң рублгача тошон пули оладилар.



ТУРКИЯДА ТЕРРОРЧИЛИК ХУРУЖИ

Туркиянинг Истамбул шаҳрида, «Адолат ва тараққиёт партияси» штаб квартираси олдида 2008 йил декабрь ойида содир этилган террористик актга алоқадор деб гумон қилинган 8 киши қўлга олинди, деб хабар қилади AFP.

Бу террористик ҳаракат учун жавобгарликни «Инқилобий кўмондонлик» деган ҳаракатнинг сўл гуруҳи ўз зиммасига олди. Тахмин қилинишича, бу ҳаракат кўрд сепаратчилари билан алоқада бўлса керак. Қўлбола бомбанинг портлаши оқибатида 2008 йил 1 декабрь кuni «Адолат ва тараққиёт партияси»нинг штаб квартираси олдида бир полициячи ҳалок бўлган ва 9 киши жароҳат олганди.

Афина қарши чиқди

«AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, Пентагон Грециянинг эфирозига кўра Исроилга қурол-аслаҳа етказиб беришдан бош тортди. Матлумки, ҳарбий қурол-аслаҳаларга тўла кема Грециядаги портларнинг биридан Исроилга қараб йўл олиши керак эди.

Қурол-аслаҳаларни АҚШдан Грецияга транспортировка қилиш тўғрисида келишув Ҳазо секторидagi ҳарбий операция бошланишидан олдин, 2008 йилнинг ёзида имзоланганди. Исроилнинг Ашдол портига ҳарбий юкни Грециянинг Астакос порти орқали 2009 йилнинг январь ойи охиригача етказиб режалаштирилган эди. 12 январь кuni АҚШ Ҳазода ҳарбий операциялар ўтказиш шартини керакли хавфсизлик даражасини таъминлаб бериши имконияти йўқлиги сабабли Исроилга қурол-аслаҳаларни етказиб бериш рад этганини тўғрисида ахборот манбаларида хабар тарқалди.

Бирок, 13 январь кuni Пентагоннинг расмий вакили Исроилга ҳарбий юк етказиб беришни рад этилганлигининг бошқа сабабини баён этди. Унинг сўзига кўра, расмий Афина қурол-аслаҳаларнинг бу партияси унинг ҳудудида қайта юкланишига қарши чиқди. Пентагон мазкур юк Исроилга етказишнинг бошқа йўл ва чораларини излаётганини ҳам маълум қилди.

УЧ ОЙДАН БЕШ ЙИЛГАЧА ЖАЗО

Париж суди Франциянинг жануби-ғарбида жойлашган турк маданият маркази ҳамда бир қатор турк бар ва кафеларига ҳужум қилган 11 нафар қурдага нисбатан ҳукм ўқиди. Ҳуқуқбузарларнинг бири уч ой шартли жазога тортилган бўлса, бошқалари ҳаттоки беш йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Ҳап шундаки, 2007 йилнинг апрель ойида тартибузарлар Бордо шаҳри атрофларида жойлашган турк маданият маркази ҳамда бир қатор турк бар ва кафеларига ҳужум қилишган, ушбу бино ва иншоотларга ёнғинчи модда тўлдирилган шиша идишлар отилиб, ёқиб юборилган.

Судьяларнинг таъкидлашича, айбланувчиларнинг аксарияти «Курд ишчи партияси» аъзоларидир. Мазкур ташкилот кўп йиллардан бери Курдистон муқторияти жорий этилишини талаб этиб, расмий Анкарага қарши фаолият олиб бормоқда.

12 январь кuni Марселда полициячилар террористик ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича ўтказилган махсус операцияда яна беш нафар курд ёшларини қўлга олишган, деб хабар қилади «Associated Press» ахборот агентлиги.



Араб давлатлари лигаси кўчирилади

Қувайт парламенти аъзоси Араб давлатлари лигаси штаб квартирасини Қоҳирадан Венесуэланинг Каракас шаҳрига кўчиришни таъкид қилди. Исроилнинг Ҳазо секторидagi ҳарбий операцияларни парламентда муҳокама этилаётган пайтда ушбу тақлиф ўртага ташланди, деб хабар беради AFP. Сўзга чиққан депутат Венесуэла Президенти Уга Чавесни «баъзи бир арабларга қараганда буюқроқ араб», деб атади. Чунки у Исроилнинг Ҳазо секторидagi ҳарбий операциясини 6 январь кuni кескин танқид қилган ва ўз мамлакатини Исроил элчисини чиқариб юборган. Шу билан бирга, пойтахтида ҳозирги кунда араб давлатлари лигаси штаб квартираси жойлашган Миср ҳукумати қаттиқ танқид остига олинди. Миср ҳукумати ҳаракатсизликда ҳамда Ҳазо секторига озиқ-овқат-

лар ва бошқа гуманитар юкларни етказиб бериш учун чегараларини оқиб бермаганлиқда айбланмоқда. Янгийлар давлати билан дипломатик муносабатлар ўрнатмаган бир қанча араб давлатлари бир неча марта илтимос қилишган бўлса-да, Миср ҳукумати мамлакатдан Исроил элчисини чиқариб юбориш тақлифини рад этган.

Агентликнинг хабар беришича, Исроилнинг савдо ваколатхонаси Қувайт пойтахти Қатарда фаолият кўрсатмоқда. Ҳозиргача уруш ҳаракатлари бораётган зонада 1000 га яқин фаластинликлар ҳалок бўлган. 4500 киши эса турли хилдаги жароҳатлар олган. 20 дан ортиқ араб давлатлари ва улар билан дўстона муносабатда бўлган бошқа давлатларни



ўзида бирлаштирган Араб давлатлари лигаси халқаро ташкилот бўлиб, у 1945 йил 25 мартда ташкил этилган. Ташкилотнинг олий органи лига кенгашидир. Унда ҳар бир аъзо давлат битта овозга эга.

Эронда зилзила

Эроннинг жануби-шарқий провинцияси ҳисобланмиш Кермонда чоршанба кuni эрталаб 5,3 баллиқ зилзила бўлди, деб хабар беради REUTERS Эрон радиостанцияси хабарларига асосланган ҳолда.

Эрон радиоси орқали тарқатилган хабарда айтилишича, қурбонлар ва вайронгарчиликлар ҳақида маълумотлар келиб тушмаган. 2005 йилда Кермон вилоятида 6,4 баллиқ зилзила оқибатида 400 дан ортиқроқ киши ҳалок бўлган эди. 2003 йил декабрь ойида эпицентри Кермон вилоятидан 200 километр олинса бўлган 6,7 баллиқ зилзила оқибатида Бам деган қадимий шаҳар бутунлай вайрон бўлган эди. Расмий маълумотларга қараганда, ушунда 40 миңдан ортиқроқ киши ҳалок бўлган.

«Internet» хабарлари асосида Жамшид РАҲМОНОВ тайёрлади

(Бошлангич ўтган сонларда).

...Хўроз иккинчи марта қичқирди. Ой ҳам аста кун чиқишга қараб суза бошлаганда, эшик охишта очилди.

— Она, мен келдим, — хирқироқ овоз келди. Ойтош момо унинг оғзини ёвди. Кейин кўлидан ушлаб, ичкарига судради. Йўғон соя ҳам сас-сизгина силжиди.

— Она, сенга берган рўмолчамни олиб чик, — деди хирқироқ овоз. Ойтош момо нималаринидир шивирлаб, ичкари кириб кетди. Қайтиб пешайвонга чиққанида, чироқ ярқ этиб ёвди. Тавбой кўл-оёғи боғланган ҳолда ётар, Райимбой билан сержант унинг тепасида турарди.

— Болам! — фарёд урди Ойтош момо. — Нега келдинг, нега келдинг? Энди нима қиламан?!

— Жим! — деди Райимбой. — Эна, ҳақ жойида қачондир қарор топиши керак эди. Кун шун бугун эканда. Кейин ажабланиб деди:

— Исмини Тавбой деган эдингиз, паспортида номи бошқа-ку! — Нега бошқа бўлар экан, — эсанкиради Ойтош момо. — Тавбой, дадаси тавба қилдим деб қўйган...

— Паспортда Қобил Саримовку, — салмоқлади Райимбой. — Мана, нима учун у кўлга тушмаган.

— Қилган гуноҳининг ўзи этиб ортарди, — деди сержант. — Энди бунга қалбаки паспорт ҳам қўшилди. Орканда яна анча думларинг борув сани.

Эшитган одамни, ҳатто энг дийдаси қаттиқ тошбағирларни ҳам бир хонадондаги қотиллик даҳшатга солиб қўйганди.

— Нима дерди, ҳамма айбни бўйнига олиб, жазосини кутаётган. Бошлиқ ялт этиб терговчига ўтириди.

— Бўйнига олиб? Ҳимоячиси борми?

— Бор. Лекин у тайинли бир гап айтмапти.

— Менга қаранг, яна бир злаб кўринг...

Подполковникнинг ҳам кўнглига шубха оралганди.

Тавбой умрида биринчи марта қилган ишларини тарозига солиб кўрди. Хусниданинг қисмати унинг ҳаётига шунчалар чуқур из солади деб ўйламаганди. Агар водийда бўлган воқеа ҳам терговчига маълум бўлса-чи... Унда, унда қолган умрининг қанчаси хибсда ўтар экан... Кеч тушиб қолган эди. Тавбой қаерда бўлмасин, қўнин топмасди. Худди уни биров қувиб юргандек бўлаверарди. Янги мазориди, ёруғ мазориди, қаёққа боришни

бериб қўясиз.

Чўққисоқол тугунчани унинг қўйнидан олиб, ёстиғининг тағига тижди.

— Эрталаб бомдодга келганларидан ўз кўлларига топширмани, хотиржам бўлинг.

Барваста киши чиқиб кетди. Тавбойнинг томоғидан овқат зўрга ўтарди. Чўққисоқол ёстиққа ёнбошлаб, уни кузатар, ора-сира бошини чайкаб қўярди.

Тавбой қоролув солиб берган ўринга чўзилди. Чўққисоқол чироқни ўчирди. Деразадан тўлин ойнинг шуъласи тушарди. Тавбойнинг кўзлари юмилмади. Чўққисоқол уйкуга кетган, ора-сира ингичка хурақ тортиб қўярди.

тугунчани кўлига олди. — Қани, юрингчи, тушинг олдимга.

«Тамом, — ўйлади Тавбой, — тамом бўлдим». Унинг бу сафар ҳам омади келди. Катта тезликда келаятган машина қизил чирокда ўтиб кетди. Милиционер ҳуштагини чуриллатди. Хайдовчи машинадан тушди-ю, кўлларини кўксига қўйди.

— Хужжатларингизни кўрсатинг! — милиционер беихтиёр тугунчани Тавбойга ушлаб туринг деб, узатди. Кейин хайдовчининг хужжатларини кўлига олди.

— Ака, гуноҳини биламан, қизилда ўтдим. Шошялам.

— Жарима тўлашганими? — кесатди милиционер.

— Йўқ, маънитда ҳозир қиёмат

— Она тинчми? — сўради Тавбой.

— Тинч, икки кўзи эшикда, бир йилдан ошибди дарагинг йўқ.

— Ишинг мазаси йўқ, — деди Тавбой, — бир ишлаб эгизини тузатиб олдим. Эндигисини уйга жўна-таман.

— Эй, қишлоқда тўс-тўпалон. Синфдошинг бор-ку, Хуснида. Шунки кимдир дарахта боғлаб кетибди. Улганига бир йил бўлган бўлса ҳам, кишлоқ ҳалиям нотинч. Отаси то тирик эканман, қотилни топаман деб қасам ичган.

Тавбойнинг юраги шиг этиб кетди. Лекин билдирмади.

— Менга қара, — деди у ҳамқилиш-логига. — Паспортчи танишинг борми?

— Бор, нима эди?

— Эй, йўқотиб қўйдим, паспортни...

Ҳамқилишлари бир одамнинг манзилини тушунтирди. Пулни кўпроқ чўз, деб қўшиб қўйди. Тавбой қолган пулига янги паспорт олди...

Ошхона мудирини бир-икки кун Тавбойга раҳм қилиб, нон-чой бериб юрди. Кейин парвоқилимай қўйди. Тавбой охирида ётиб юрганига ҳам шукор қилди. Охири ҳамқилиш-лоқларига қўшилиб, дуч келган ишни қила бошлади. Лекин ҳаёлини бирдан бойиб кетиш иштиёқи сира тарқ этмасди. Шу сабабли қўли ишга ҳам бормасди. Соатлар бир нуктага тикилиб ўтирарди.

Темур УБАЙДУЛЛО



ТИМСОҲ, ЙИҒИСИ

Тавбойнинг юзида биронта ўзгариш сезилмади.

— Барибир, ҳеч нима қилолмайсан, — тўлғонди у. — Олдин гуноҳини ишот қиларинг.

— Ишот бўлади, бойвачча, — захархандақилди Райимбой. — Энди биз билан кетасан. Ҳали бафуржа гаплаганишга вақтинчи етарли.

Ойтош момо оҳ чекиб юборди...

Тергов узок давом этмайдигандай эди. Тавбой раҳматли Хусниданинг соткаси, рўмолчага ўралган тилла тақинчоқлар, ўзининг даст-рўмоли, экспертиза хулосасини кўриб, тақдирга тан берди. Қилган ҳамма ишини бўйнига олди.

— Менга қаранг, майор, — деди терговчи Райимбойга, — айбланувчининг хижоатини бўйнига осонгина олиши шубҳали тушмайтми?

— Мен ҳам шуни ҳазм қилолмайман, — деди майор.

— Бунда бир сир бору!

— Ишни аяқлашга шошилмайлик, — деди терговчи. — Қовун тушириб қўймайлик тагин...

Тергов ҳафта бўйи давом этди. Лекин Тавбой худди тўтиқушдек бир хил гапни такрорларди. Бир галги сўроқда навбатчи терговчига хат келтирди. Терговчи уни ўқиб чиқди-да ишни тўхтатиб, хонани тарқ этди.

— Нима гап? Хат қаердан? — сўради у чиқиб подполковникдан.

— Тошкентдан, ниҳоятда оғир хижоат содир этилибди. Қотил бизнинг виллоятдан деган тахмин бор.

— Оббо, — норози бўлиб гапирди терговчи, — бир иш иккинчисига уланмаса яхшидир...

— Уланса ҳам, — деди бошлиқ, — ҳаққат жойида қарор топса бўлган. Сиз яхшиси анави қизинг ота-онасини тинчлантинг. Гумондор нима даяпти?

билмай турганида чўққи соқол киши рўпарасида тўхтади. Унга бошдан оёқ разм солди.

— Болам, нима қилиб турибсан? — Иш қидириб келгандим. Биронта тизуқроқ жойда иш тополмадим, — шовиб гапирди Тавбой. — Бегона жойда қаёққа боришимни билмай турганим.

— Мен билан юра қол, — деди чўққисоқол амаки. — Маъитнинг қоровулиман. Эрталаб бўлсинчи, ишингни ҳам бир иложини қилармиз.

Иссиққина хона, қайноқ чой Тавбойнинг дилига хўш ёқиб кетди. Чўққисоқол бир қосада шўрва келтириб қўйди.

— Қани, ичиб олчи, ол, олавер, тортинма. Хўш, қаердансан?

Тавбой олиб бир қишлоқнинг номини айтди.

— Шундан шу ёққа овора бўлиб келибсан, нима, сиз томонларда иш топиладими?

— Иш қаердан топилин, — Тавбой номни катта тишлади, — мардикорчиликнинг ҳам иложи йўқ... Ёлғиз онам билан туралими... Яхшиям сиз-гир, бузоғимиз бор... Тирикчилик зўрга ўтиб турарди...

— Ха-а, хунарли бўлмасанг ҳозирги замонада иш топилайсан, — чўққисоқол танглайини тақиллатди. — Ёз ҳам охираб қолди. Қури-лиш кўп. Ишсиз қолмайсан. Шу ерда ётиб юраверсан. Биронта устага шогирд тушарсан. Танишларим бор.

Шу пайт эшик таққиллаб қолди. Чўққисоқол туриб оқди. Камтарона кийинган барваста киши ичкари кирди.

— Ассалому алайкум, Ёрмат ота, — деди у одоб билан. Кейин қўйнидан кичкина тугунча чиқарди. — Шунки олиб қўйинг, хайрия экан. Матмуса ака бериб юборди. Суннат қорига

Ниҳоят шуъла тушмай қўйди. Хонага қоронғилик тушди.

Йигит аста бошини кўтарди. Ундан бор-йўғи бир метр жойда, билмади, қанча бойлик ётарди. Қўлини узатса бўлди. Йигит қўлини узатди. Ёстиқ тағига эмас, устига. Чолнинг томоғидан ялпа бўғди. Чўққисоқол типирчилади. Тавбойнинг кўллари тобора кучга тўлиб бораётгандек эди. Шу аҳволда қанча турди билмади.

Хўроз чўзиб қичқирди... Хонанинг бир бурчагида биқиниб ўтирган Тавбой чўчиб турди. Тугунни қўйнига жўйлаб, аста масжид дарвозасини очиб, кўчага чиқди. Кўчанинг нариги бетига ўтди. Қаёққа боришини билмай, анчагача турди. Кейин шаҳар томонга юриб кетди.

Уни икки йўл-патруль хизмати ходими кузатиб турганини Тавбой сезмади. Йигитнинг йўл бошида довдираб туриши уларга галати туюлди. Яқин келганда уларнинг бири тўхтатди.

— Тўхтаган, хужжатларингизни кўрсатинг.

Тавбойнинг юраги товоғига тушиб кетгандек бўлди.

— Хужжатим... — у ёнини қовлади. — Қолиб кетибди ётган жойида...

У азбаройи эсанкираганидан қўйнидаги тугунчани ҳам унутди.

— Қаерда ётган эдингиз? — унга ўткир нигоҳларини қадади йўл-патруль хизмати ходими.

— Анави ердаги маъитда...

— Маъитда? — Милиционер бўшашди... Шу топда йигитнинг қўйнидан тугунча тап этиб ерга тушди.

— Бу нима?

— Хизмат ҳақини... — чайналди Тавбой.

— Хизмат ҳақини олибсизу, хужжатлар қолибди-да. — Милиционер

бўлапти. Қоровулни кимдир ўлдириб, хайрия пулларини олиб кетибди. Шунга қоровулнинг қишлоғига хабар бергани кетаётгудим.

Милиционер хушёр турди.

— Ие, ёнимда турган йигит қани? — Машинага ўтириб кетди, — деди хайрон бўлиб хайдовчи. Милиционер пешонасига урди. Кейин кутилмаганда хайдовчининг хужжатларини қайтариб берди.

— Бораверинг, иккинчи бунақа шошманг.

— Йигит ўтирган машинанинг шофёрини танийман, — деди у рулга ўтираётиб, — қиракаш йигит, — исми Хайдар. — Кейин машинанинг номерини айтди.

Хайдар ҳам жўялироқ бир гап айтмади. Фақат уни Тошкентнинг бир четида, чойхонанинг олдида тушириб қолдирганини айтди.

— Қотил ўша, — деди милиционер ишонч билан. — Аблах, қочиб қолди. Лекин барибир қонундан қочиб қутулолмайди.

Уша кунийёқ Тошкентга бўлган воқеа ҳақидаги ахборот этиб келди.

Тавбой «Нексия» дан тушдию ўзини ошхонага урди. Ойнадаги аксини кўриб, ижирданди. Кўзлари олазарак, олма-кесак териб, бир қоса ошини еб олди. Кейин тугунчадаги пулни санади. Юз эллик минг сўм экан. Ҳафсаласи пир бўлди. Ошхонадан чиқиб сартаросхонага кирди. Кейин бозорга тушиб, енгил-сезим кийим олди. Яхшилаб ювинди. Эски кийимларини ёқиб юборди. Уларга қўшилиб паспорти ҳам ёниб кетди. «Энди Тавбой йўқ, — ўйлади у. — Энди Тавбой бошқа одам бўлади».

Тавбойнинг чинакамага омади чопди. Қишлоқдошини учратиб қолиб, ҳол-аҳвол сўрашишди.

...Терговчи уни қақиртирганда Тавбой ана шу ҳолатда эди.

— Киринг, — деди терговчи. — Тавбой Турдиев, қалбаки паспортнингиз бўйича Қобул Саримов. Нима учун айбингизга биринчи терговда иқдор бўлдингиз?

— Бўлган ишни рўй-рост айтдим. Энди яшириб нима қилдим, — Тавбой хўрсинди.

— Бошқа маш-машаларда иштирокингиз йўқми?

— Ўзи омадсиз туғилган эканманда, — Тавбой алам билан гап бошлади. — Ёшлиқнинг бир хатосини деб, шу қўйларга тушиб ўтирибман.

— Хато эмас, жиноят, — уни тўғирлади терговчи.

— Ҳа, ана жиноят дейлик.

— Жиноят учун жазо муқаррар... Тавбой жим қолди.

— Тошкентда муҳдис жиноят содир этилибди, — ундан қўзини узмай давом этди терговчи, — қотилни кўрганлар бор. У автобусга ўтириб, бизнинг виллоятга жўнаб кетган экан.

Тавбой қўзини олиб қочди. «Ким қўрибди мени? Ҳеч ким соғ қолмаган эди-ку».

«Нега қўзини олиб қочди, — бу пайтда терговчи ҳам Тавбойни зимдан кузатиб турарди, — бу биритабиат болада кўп гап бор».

— Хўш, қачонгача жим тураверамиз? — ҳамон унга тикилганча сўради терговчи.

Энди улар бир-бирини кўзлари билан таъқиб қила бошлади. «Кўзларимунча ўтир, худди тешиб юборай дейди-я. Асабини зговлашни бошлап экан. Тергов бошлангандан бери бир марта бақирмади-я!».

«Мен жуда сабрлиман. Лекин сир сақлашга сенинг сабринг етармикан?».

(Давоми кейинги сойда).

Huquq
yuridik gazeta

Та'сисчи:
О'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Yusupboy G'OIPOV, Bahridin VALIYEV,
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir
o'rinbosari), Svetlana ORTQOVA, Tohir
MALIK, Sherzodxon QUDRATXOJAYEV,
Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-82,
233-10-53.

E-mail: huquq97@mail.ru

Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida
0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va
suratlar egalariга qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan
farqlanishi mumkin. Nashrimizdan
ko'chirib 'bosilganida «HUQUQ» dan
olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat
ahamiyatiga molik materiallar **
belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 56. 26 807 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: O. DEHQONOV
Musahhihi: A. MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMM bosmaxonasida ofset usulida
chop etildi. Korxonaning manzili: Toshkent shahar,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta
haftaning
payshanba
kunlari
chiqadi.

Sotuvda
erkin narxda